

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БАНК – МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛТЕТИ

«МОЛИЯ ВА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ» КАФЕДРАСИ

**«Химояга тавсия этилди»
«Молия ва суғурта хизматлари»
кафедраси мудири, профессор
Зайналов Ж.Р.**

2012 йил «26» май

**“Ғазначилик” таълим йўналиши
ҒИ-108 гуруҳ талабаси Юнусов Азимжоннинг**

**«Ғазначилик тизими шароитида давлат молиявий ресурсларидан
самарали фойдаланишни таъминлаш йўллари (Каттакўрғон туман
Ғазначилик бўлими маълумотлари бўйича)» мавзусида**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: асс. Хусанов Б.

**Илмий маслаҳатчи: Товбаев М. –
Самарқанд вилоят Ғазначилик
бошқармаси бошлиқ муовини**

САМАРҚАНД - 2012

**“Газначилик” таълим йуналиши талабаси Юнусов Азимжон томонидан
“Газначилик тизими шароитида давлат молиявий ресурсларидан самарали
фойдаланишни таъминлаш йуллари (Каттақургон туман Газначилик булими
маълумотлари буйича)” мавзусида бажарилган битирув малакавий ишига
ТАКРИЗ**

Мамлакатимизда 2009-2012 йилларга мулжалланган Ишчиросга карши чоралар Дастурини амалга ошириш ва иктисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитида мамлакат иктисодиётини ривожлантиришнинг узок; ва урта муддатга мулжалланган стратегик вазибаларини белгилаб олишда бюджет- газна сиёсати мухим ахамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, бюджет маблагларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан бири хисобланади. Талаба томонидан танланган битирув малакавий иши мавзуси долзарб масалага бағишланган булиб, бюджет маблагларидан самарали фойдаланиш тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос булган.

Талаба томонидан тадқиқот иши олдида куйилган максаддан келиб чикиб аниқ вазибалар (ишнинг 6 бетида каралсин): иктисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида Бюджет ресурсларини бонщаришда давлат сиёсатининг вазибасини ёритиш, Бюджет ресурсларини соликлар оркали тартибга солишни ахдииятини курсатиш, газна сиёсати буйича иктисодчи-олимлар ва амалиётчи мутахассисларнинг илмий карашларини тахлил килиш ва уларнинг гоёларини умумлаштириш оркали ёритиш, бюджет ресурсларини ташкил этишда газна ижросининг таъсири ва бюджет ресурслари самарадорлигини таъминлашга тааллуқли тавсиялар ишлаб чиқиш, давлат молиявид ресурсларидан фойдаланишда ривожланган мамлакатлар газначилик моделларини тадқиқ килиш ва тадбиқ килиш буйича тавсиялар ишлаб чиқитиш белгилаб олинган.

Тадқиқотнинг амалий ахамияти шундаки, тадқиқот ишида олинган илмий тақлиф ва амалий тавсиялардан кичик газна тизимини такомиллаштиришда, газна сиёсати оркали баркарорликни таъминлашда, газна тизимини куллаб кувватловчи конунарни ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

Шу билан бирга, ишда айрим камчиликларни ҳам учратиш мумкин. Хусусан, амалий маълумотларнинг кам тавсия этилганлиги, 2008-2011 йилларда нашр этилган адабиётларнинг камлиги, соликларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли хақида тақлифларнинг мавжуд эмаслигини келтириш мумкин.

Бирок, бу холат ишнинг умумий салохиятига таъсир килмайди. Буларни келгуси ишларида инобатга олади деган уимддамиз. Шуларни инобатга олиб, талаба А. Юнусов томонидан бажарилган ишни хақиқатдан ҳам бутунги куннинг долзарб муаммосига бағишланган, тугалланган илмий иш хисобланади, шу боис уни ДАК олдида химоя этишга тавсия этилишини максадга мувофиқ деб биламан.

Самарканд кишлоқ хужалиги институти
“Иктисодиёт ва бошқарув” факултети
декани, доцент



А. Астанов

**“Ғазначилик” таълим йўналиши талабаси Юнусов Азимжон томонидан
“Ғазначилик тизими шароитида давлат молиявий ресурсларидан самарали
фойдаланишни таъминлаш йўллари (Каттакўрғон туман Ғазначилик
бўлими маълумотлари бўйича)” мавзусида бажарилган битирув малакавий
ишига илмий раҳбарнинг
МУЛОҲАЗАСИ**

Мамлакатимизда бюджет-ғазна сиёсатини ривожлантириш ва давлат молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги иқтисодиётнинг самарали ривожланиши кўп жиҳатдан бюджет ресурсларини давлат томонидан тартибланишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Лекин, бунда асосий масала бюджет ресурсларини давлат томонидан бошқаришнинг воситалари, усуллари, имкониятлари ва чегараларини ҳар бир давлат учун хос бўлган бозор ички фаолиятдан келиб чиққан ҳолда тўғри танлаб олишдadir.

Ғазначилик тизимида бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга ҳаракат қилинаётган бўлса ҳам, бу борада амалда айрим камчиликлар ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Уларга қуйдагиларни киритиш мумкин, давлат бюджети даромадлари ижроси бўйича молия, солиқ ва банк қонунчилигининг ғазначилик тизими шароитидан келиб чиққан ҳолда мукамал шаклланмаганлиги, ҳудудий ғазначилик органларида маҳаллий бюджетга келиб тушаётган солиқлар ва йиғимларни ғазначилик дастурларида акс эттирмаслик ёки нотўғри акс эттириш оқибатида молия, ҳудудий ғазначилик, солиқ ва банк ҳисоботлари орасида тафовутлар мавжудлиги амалда иқтисодий ўсишга таъсир этмоқда.

Талаба Юнусов А. томонидан бажарилган ушбу битирув малакавий иши қайд этилган масалаларни оқилона ечимини таъминлашга қаратилган мазмунан тўғри тузилган, унинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тўғри белгилаб олинган.

Ишда бюджет ресурсларини ташкил этишда ғазна ижросининг таъсирини ошириш, молиявий ресурсларидан фойдаланишда ривожланган мамлакатлар ғазначилик моделлари қўллаш, ғазна сиёсати ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилган ва таклифлар ишлаб чиқилган. Шунинг билан бирга айтиш керакки, иш камчиликлардан холи эмас. Ишнинг 6, 19, 21, 24, 42 бетларида имловий хатолар мавжуд, амалий маълумотларнинг етарли даражада таҳлил этилмаганлиги, таҳлилий маълумотлар асосида саёз доирасида асосланганлиги кўзга ташланади. Буларга келгуси изланиш ишларида диққатни қаратиш муҳим.

Умуман олганда, қайд этилган камчиликлар ушбу ишнинг мазмунига катта таъсир этмаган. Ишончимиз комил, талаба уларни ишнинг ҳимоя қунига қадар бартараф этади. Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, талаба Юнусов Азимжон томонидан бажарилган биритув малакавий иши мустақил бажарилган, шу боис уни ДАК олдида ҳимоя этишга тавсия этилишини мақсадга мувофиқ деб биламан.

Илмий раҳбар



асс. Б. Хусанов

Мундарижа

Кириш.....	3
I Боб. Бюджет ресурсларини иқтисодиётни бошқаришдаги роли	
1.1. Бюджет ресурсларини бошқаришда давлат сиёсатининг вазифаси.....	10
1.2. Бюджет ресурсларини солиқлар орқали тартибга солишни аҳамияти....	15
1.3. Бюджет ресурсларига солиқлар орқали таъсир этиш усуллари бошқаришни аҳамияти.....	18
II Боб. Ғазначилик тизимини ривожланиш босқичида маҳаллий бюджетлар ресурсларини шакллантиришнинг амалдаги ҳолати	
2.1. Маҳаллий бюджет ресурсларини ташкил этишнинг айрим хусусиятлари.....	21
2.2. Бюджет ресурсларини самарали ташкил этишда ғазначилик назорати таҳлили.....	25
2.3. Ғазначилик тизимини ривожланиш босқичида маҳаллий бюджетлар ресурсларини таҳлили.....	32
III Боб. Ғазначилик тизими барқарорлигини таъминлашда давлат молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятлари	
3.1. Бюджет ресурсларини ташкил этишда ғазна ижросининг таъсири.....	39
3.2. Давлат молиявий ресурсларидан фойдаланишда ривожланган мамлакатлар ғазначилик моделлари.....	43
3.3. Давлат молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишда ғазна сиёсати ролини ошириш имкониятлари.....	51
IV Боб. Каттақўрғон туман Ғазначилик бўлинмасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари	
4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	58
4.2. Каттақўрғон туман Ғазначилик бўлинмаси ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари.....	60
4.3. Каттақўрғон туман Ғазначилик бўлинмасида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари.....	68
4.4. Каттақўрғон туман Ғазначилик бўлинмасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари.....	75
Хулоса.....	78
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	80

Кириш

Мамлакатимизнинг асосий молиявий манбаси бўлган бюджет тизими, унинг даромад ва харажат қисмлари шаклланиши ҳамда уларнинг ижроси қонунийлигини таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг **«Бюджет тизими тўғрисида»**ги Қонуни муҳим аҳамият касб этди. У — давлат бюджет тизимини мустаҳкамлади, маҳаллий бюджетларга алоҳида эътибор қаратди, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига яқинроқ фаолиятда бўлган молиявий манбаларни аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда энг муҳим омиллар қаторига чиқарди. Шунингдек бюджет истиқболини белгилашда алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан бюджет-газна сиёсатини янада такомиллаштиришнинг принципиал муҳим устувор вазифа сифатида белгиланиши, иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги устувор вазифаларнинг бажарилиши айнан бюджет сиёсатини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқлиги таъкидлаб ўтилгани ҳозирги шароитда ушбу масала жуда муҳим ва аҳамиятлидир¹.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнини тезлаштириш, давлат харидларига кенг имкониятлар бериш, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, аммо шу билан бир вақтда бюджет ресурсларининг камайишига йўл қўмаслик иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари ҳисобланади.

Ушбу иқтисодий вазифалардан келиб чиққан ҳолда бюджет ресурсларини оширишга эришишда солиқлардан фойдаланишнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш зарурдир. Бу эса анча мураккаб ва қийин вазифа бўлиб, кўп ҳолларда уларни бир вақтда бажариш имконияти чегараланган. Шу туфайли шундай вазиятни таъминлаш талаб этиладики, шаклланган давлат молиявий ресурсларини иқтисодий ривожланиш жараёнларига ижобий таъсир этиши лозим. Мазкур масала

¹ Каримов, И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. 218 б.

мамлакатимиз мустақилликка эришган даврдан бошлаб доимо ҳукуматнинг алоҳида эътиборида турибди. Чунки давлат молия ресурсларининг энг муҳим вазифаси – ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий – хом ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган молмулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир”².

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан сўнгги йилларда имзоланган иқтисодиётни ривожлантиришда давлат молия ресурсларининг аҳамиятини оширишга қаратилган катор фармон ва қарорлар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бу соҳада катта ўзгаришлар босқичини бошлаб берди. Улар асосан молия ресурсларини назоратини камайитириш, молия ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жазоларни енгиллаштириш, солиқ тўловчилар ҳуқуқларини кенгайтириш, молия-ғазна ҳисоботлари тизимини соддалаштириш, молия хизмати органларининг ғазна тўловчиларга нисбатан нотўғри хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликларини кучайтиришга қаратилган.

Иқтисодий илм соҳаси олдида турган вазифа эса, мазкур ўзгаришларнинг иқтисодиётда қанчалик ижобий силжишларни таъминлаётганини таҳлил қилиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш, ривожланишга тўсиқ бўлувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўллари кидиришдир. Бу эса, ўз навбатида, давлат молия ресурсларидан фойдаланишда чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилади.

Кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошириш натижасида Ўзбекистонда вужудга келган ўзига хос иқтисодий вазият молия ресурслари орқали иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатишнинг мавжуд концепцияларидан механик тарзда фойдаланиш имконини бермайди ва бу борада ўзига хос бўлган йўналишларни ишлаб чиқишни ҳамда қўллашни тақозо қилади. Бу ўринда, ўзига хослик ва жаҳон тажрибасининг синалган ижобий жиҳатларини ўзаро уйғунлаштириш талаб этилади.

² Каримов. И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. 205 б.

Республикаимизда давлат молия ресурсларидан самарали фойдаланиш борасидаги асосий камчиликлар солиқ тизимининг кенглиги, солиққа тортишнинг мураккаблиги, барқарор эмаслиги, унинг юқори даражада фискаллиги, турли солиқ тўловчилар гуруҳига турли солиқ тартибларининг қўлланилиши ва солиқ тизимининг шаффоф эмаслигида намоён бўлмоқда. Айрим ҳолларда солиққа тортиш тамойилларининг бузилиши, давлат молия ресурсларини тўлақонли ташкил этилмаётганлиги ҳолатлари кузатилмоқда. Натижада корхоналарнинг молиявий танг ҳолатларга тушишига ҳам юз бермоқда. Булар эса молия механизми иқтисодий ривожлантиришга ижобий таъсир этишни мукаммал эмаслигидан далолат беради.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатлар республикаимиз иқтисодий ривожланишида давлат молия ресурсларидан самарали фойдаланиш соҳасида илмий изланишлар олиб боришни тақозо қилади ва мазкур илмий изланиш мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий ривожланишни таъминлашда молиядан самарали фойдаланиш йўллари, маълум иқтисодий давр учун молия сиёсати, молия тизимини оптимал шакллантириш, молия қонунчилиги тамойилларининг энг маъқул вариантларини танлаш муаммолари кўпгина мумтоз иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилиб келинган (А.Смит, Д.Рикардо). Бу муаммо шунингдек, ҳозирги замон иқтисодчи олимларидан А. Леффер, В.В. Глухов, А.А. Александров, Э.А. Вознесенский, И.В. Горский, Н.Я.Головецкий, И.И. Дольдэ, А.З.Дадашев, Л.Б.Дуканич, Е.Н.Евстигнеев, Н.Г.Иванова, И.А.Кацюба, В.И.Колесников, Н.В.Мильяков, В.Г. Пансков, А.Г. Поршнев, Б.А. Рамзин, А.А.Родионов, В.Н. Семенов, В.Ф. Столяров, И.И.Столяров, А.А.Тедеев, А.В. Боброва, Д.Н.Тихонов, М. Кэмпбелл, А.В.Лобанов, Д.Г. Черник кабиларнинг илмий изланишларида ҳам ўз аксини топган.

Худди шу масалаларни ҳал этишнинг айрим йўналишлари Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ва амалиётчи мутахассислар Э.Ф. Гадоев, В.Ю. Галкин, А.С.Жўраев, Ж.Р.Зайналов, Г.К.Саидова, Р.К.Каримов, Т.С.Маликов,

О.О.Олимжонов, Б.Н.Хасанов, Н.Х.Ҳайдаров, М.Ш.Шарифхўжаев, М.И.Юлдашев, Қ.А.Яхъёев, Д.Ғ.Ғозибеков ва бошқалар томонидан ҳам ўрганилган.

Бир пайтнинг ўзида мамлакатимиз иқтисодий фанида шу кунга қадар, Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирган ҳолда иқтисодиёт ривожланишига ижобий таъсир этиш имкониятини берувчи ва айти пайтда давлат молия ресурсларининг барқарор, мустаҳкам манбаини шакллантиришга қаратилган бюджет-солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш, молиявий ресурсларни ташкил этиш тамойиллари, молиявий ресурслар орқали иқтисодий жараёнларни тартиблаш механизми, молия менежменти, молия маъмурчилиги, молия назорати, даромадларнинг йиғилувчанлик даражаси, ресурс тўловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, молия конунчилигини такомиллаштиришга қаратилган ҳамда молия назарияси ва амалиётини уйғунликда комплекс тадқиқ қилишга йўналтирилган махсус илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилгани йўқ.

Битирув малакавий ишининг мақсади. БМИнинг асосий мақсади иқтисодий тараққиётга эришишда давлат молия ресурсларидан самарали фойдаланишнинг Ўзбекистонга хос бўлган, бозор муносабатларига ўтиш хусусиятларига тўла мос келувчи йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.

БМИнинг вазифалари. Тадқиқот олдига қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- ғазначилик шароитида давлат молия ресурсларини ташкил этиш назарияларига таянган ҳолда, уларнинг турли хил оқимлари қоидаларини республикамизда қўллаш чегараларини аниқлаш, мамлакат тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда унинг республикамизга хос бўлган назарий концепциясини ишлаб чиқиш;

- иқтисодиётни эркинлаштириш талабларидан ва республикамиз иқтисодий шароитидан келиб чиқиб молия сиёсатининг муаммоли жиҳатларини аниқлаш, бюджет сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаш орқали давлат молия ресурсларини ошириш йўллари белгилаш;

- молиявий ресурсларни режалаштиришнинг амалдаги ҳолатини ўрганиш ва унинг янги моделларини республикамизда қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш;

- молия менежменти ва ички молия назоратининг самарали механизмини, молия тўловларини амалга оширишнинг оптимал шакллари ишлаб чиқиш;

- молиявий маблағлар оқимини тартиблаш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг энг самарали усули сифатида имтиёзлар, уларни қўллаш натижаларини таҳлил этиш, шунингдек, улардан фойдаланиш услубларини такомиллаштириш орқали давлат молия ресурсларини оқилона тақсимотини йўлга қўйиш;

- молия сиёсатининг шаклланиш хусусиятларини тадқиқ этиш, муаммоларини очиб бериш ва уларни ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш;

- бюджет маблағларини тўловчилар ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасида молиявий ресурслар тақсимланишини таҳлил этиш ва уни оптималлаштириш имкониятларини аниқлаш;

- иқтисодиёт турли соҳаларида молиявий ресурсларнинг йиғилувчанлик даражасини ва бу борадаги муаммоларни тадқиқ этиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўллари таклиф этиш;

- молиявий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик меъёрларидаги иқтисодий ривожлантиришга тўсиқ бўлувчи ёки унинг ривожланишига рағбат бермайдиган жиҳатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар бериш;

- молиявий ресурслардан фойдаланишда боқимандаликни юзага келтираётган иқтисодий сабабларни аниқлаш ва унинг миқдорини камайтиришга қаратилган чора–тадбирларни ишлаб чиқиш;

- ғазна идора ходимлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини таклиф этиш;

- ғазна тушумларини кўпайтиришнинг ҳозирги иқтисодий шароитга мос келувчи йўллари асослаб бериш.

Битирув малакавий ишининг илмий янгиликлари. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда давлат молия ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари, ундаги номутаносибликлар ва камчиликлар аниқланганлиги ҳамда уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилганлиги, барқарор ривожланишига имкон берувчи хизмат ривожланишига ижобий таъсир этиш йўналишлари ишлаб чиқилганлиги ишнинг илмий янгилигини белгилаб беради. Аниқроқ ҳолда, илмий ишнинг янгиликлари қуйидагиларда ифодаланади:

- бозор муносабатлари ривожланаётган шароитда иқтисодий тараққиётга рағбат бериш мақсадида давлат молия ресурсларидан самарали фойдаланишнинг назарий-услубий асослари яратилди;

- молия макротизим сифатида иқтисодий ривожланишга фақат иқтисодий ўсишни рағбатлантириш орқали эмас, балки иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш орқали ҳам ҳисса қўшиши аниқланди;

- солиқ ставкаларининг ўзгариши бюджет даромадлари миқдorigа кутилган даражада таъсир кўрсатмаётганлиги, аммо солиқ тўловчилар ўртасида даромадларнинг қайта тақсимланишига жиддий таъсир кўрсатиши асослаб берилди;

- солиқлардан асосан истёъмолни тартибга солувчи, чегараловчи ва фискал восита сифатида фойдаланишни чеклаган ҳолда, давлат молия ресурсларини оширилишини рағбатлантирувчи восита сифатидаги родини кучайтириш йўналишлари ишлаб чиқилди;

- давлат молия ресурсларининг иқтисодиёт реал секторига таъсири иқтисодиёт қуйи субъектлари инвестиция салоҳиятига таъсири ва микродаражадаги меҳнат стимуллари кучайтириш орқали бўлиши асосланди;

- республикамизда давлат молия ресурслари даражасини ва унинг тармоқлараро тақсимланишини тўғри акс эттирувчи усули ишлаб чиқилди. Бундай тақсимланишнинг амалий кўрсаткичлари таҳлили натижалари асосида молия қонунчилигига тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди. Давлат молия ресурсларини потенциалини оптимал ҳолатга келтириш йўналишлари белгилаб берилди ҳамда молия

қонунчилиги меъёрларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. БМИда олдинга сурилган илмий-амалий тусдаги қоида, ғоя, фикр-мулоҳаза, хулоса ва таклифлардан: янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқиш; республикамиз бюджет сиёсати стратегиясини белгилаш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган кейинги илмий – тадқиқот ишларини амалга ошириш; молия муносабатларини тартибга солувчи қонунлар лойиҳаларини яратиш, меъёрий ҳужжатлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш; «Молияни режалаштириш», «Молиявий назорат», «Молия менежменти» курслари бўйича маъруза ва амалий машғулотларни ўтказишда фойдаланилиши мумкин.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. БМИ таркибий жиҳатдан кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот матни 83 бетдан иборат бўлиб, 6 та жадвал ва 2 та чизмани ўз ичига олади.

I Боб. Бюджет ресурсларини иқтисодиётни бошқаришдаги роли

1.1. Бюджет ресурсларини бошқаришда давлат сиёсатининг вазифаси

Ҳозирги иқтисодиётнинг самарали ривожланиши кўп жиҳатдан бюджет ресурсларини давлат томонидан тартибланишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Лекин, бунда асосий масала бюджет ресурсларини давлат томонидан бошқаришнинг воситалари, усуллари, имкониятлари ва чегараларини ҳар бир давлат учун хос бўлган бозор ички фаолиятидан келиб чиққан ҳолда тўғри танлаб олишдадир.

Иқтисодий адабиётлардан маълумки, давлат томонидан бюджет ресурсларини бошқаришнинг иқтисодий, маъмурий, ташкилий ва ижтимоий-психологик усуллари мавжуддир. Иқтисодий усулларга асосан пул-кредит сиёсати, бюджет-солиқ сиёсати, молия-бюджет механизми, баҳони шакллантириш, иқтисодий дастурлаш ҳамда давлат харидларини ташкил этиш киради.

Бошқаришнинг бу усулларида фойдаланиш нисбатлари эса ҳар бир давлатнинг иқтисодий тузумига, бозор иқтисодиётининг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Жаҳон иқтисодий амалиётида шу пайтга қадар бозорнинг “эркин иқтисодиёт”, режали иқтисодиёт ва бошқариладиган тартибга солиб туриладиган бозор каби турлари амалда қўлланилган.

Бозорнинг қайси тури амалда эканлигига қараб бюджет ресурсларини бошқаришнинг тегишли усуллари етакчилик қилади. Эркин иқтисодиётда бозор талаб ва таклиф қонуни ҳаракати орқали стихияли тарзда тартибга солиниб турилади. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви минимал даражада бўлади. Капиталистик давлатларнинг дастлабки ривожланиш босқичида эркин иқтисодиёт ҳукмрон бўлган. Собик совет иттифокида ҳукмронлик қилган режали иқтисодиётда эса бошқаришнинг маъмурий усуллари қўлланилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, нархи, сотиш бозори давлат режаларига асосланиб буйруқ ва кўрсатмалар асосида белгилаб берилган.

Ривожланган давлатларнинг ҳозирги иқтисодиётида бюджет ресурслари давлат томонидан бошқарилиб келинмоқда.

Республикамизда ҳозирги давр тўлиқ режали иқтисодиёт ҳам эмас, бироқ, бозор қонунлари тўла ҳукмронлик қиладиган, тўлиқ бозор муносабатлари ҳукмрон бўлган иқтисодиёт даври ҳам эмас. Бундай ўтиш даврида бюджет ресурсларини бошқариш яна ҳам мураккаблашади, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви бозорни бошқаришга нисбатан юқориқ режали иқтисодиётга нисбатан камроқ бўлади. Бюджет ресурсларини бошқаришнинг амалдаги тажрибаси йўқлиги бу ҳолатни янада мураккаблаштиради. Демак, республикамизда давлат томонидан бюджет ресурсларини бошқаришдан олдин республикада аввало молия бозорининг ўзини тўла шакллантирилиши лозим. Шунинг учун ҳам республикамиз бозор иқтисодиётига ўзига хос йўл билан босқичма-босқич ўтиш йўлини танлаган бўлиб, унинг босқичлари ва устувор йўналишлари Президентимиз И. Каримов асарларида белгилаб берилган. Хусусан, улар «Мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур. Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг ташаббусқори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда ижтимоий соҳада ва мустақил давлатимизнинг ижтимоий сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўёбга чиқариши керак», деб таъкидлади.

Республикамизда айнан бозорни бошқариш тажрибасининг йўқлиги ғарб иқтисодий тафаккури турли оқимларининг давлатнинг бозор иқтисодиётини тартибга солиш соҳасидаги илмий концепцияларини, бозор иқтисодиёти узоқ вақт амалда бўлган, ривожланган давлатларнинг бой тажрибаларини чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш натижаларидан зарур ҳолларда оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда бюджет ресурсларини бошқаришда давлатнинг аралашуви, уни тартибга солиш назарий жиҳатларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мумтоз иқтисодчилар У.Петти, М.В. Сей (1767-1832) ва инглиз иқтисодчилари Д. Рикардо, Дж. Милль (1793-1836) “эркин иқтисодиёт” тарафдорлари бўлганлар. Уларнинг фикрича иқтисодиёт ўз-ўзини бозорнинг киймат қонуни асосида бошқарувчи тизимдир. Давлатнинг бюджет ресурсларини ташкил этишга аралашуви шарт эмас, талаб ва таклиф қонуни ишлаб чиқариш жараёнини бошқариб туради, молиявий ресурсларни зарурий томонга йўналтириб туради, деб ҳисоблаганлар.

Лекин иқтисодий муносабатларнинг мураккаблашуви давлатни иқтисодиётнинг турли соҳаларига кенгрок ва чуқуррок аралашувини тақозо қилди. Эркин иқтисодиёт даврида давлатнинг бюджет ресурсларини бевосита аралашуви зарурати қуйидагилар асосида келиб чиқади.

Барча асосий ишлаб чиқариш объектларига хусусий мулкчилик бўлган шароитда, хусусий компаниялар ўз сармояларини юқори даромад олиш мақсадида талаб юқори бўлган соҳаларга йўналтиради. Конъюктурани яхши билмаслик оқибатида кўп ҳолларда ортиқча ишлаб чиқариш инқирозлари юз бериб, маҳсулот реализацияси қийинлашади; ташқи сотиш бозорларига чиқиш имкониятларига эга бўлолмаслик, ишлаб чиқаришнинг баъзи соҳаларида таклифнинг етишмаслиги оқибатида нархларнинг юқorigа сакраб кетиш ҳоллари юз беради. Натижада иқтисодиётда номутаносиблик юзага келади. Маълумки хўжалик субъектларининг молиявий барқарорлиги давлат бюджети даромадларининг узлуксизлигини таъминлайди. Ишлаб чиқарувчиларнинг инқирозга учраши давлат ва жамият манфаатларига путур етказиши. Ишлаб чиқариш стихияли тарзда зарурий йўналишга тушиб олгунга қадар маълум вақтнинг талаб этилиши молиявий ресурсларнинг мақсадсиз ишлатилишига, ишлаб чиқариш объектларининг самарасизлигига олиб келади.

Бундан ташқари иқтисодиётнинг шундай соҳалари мавжудки, бу тармоқларга сармоя сарфлаш, сармоя эгалари учун етарли даражада манфаат келтирмайди. Бундай ҳолларда давлат бюджети-молия, аниқроғи солиқлар орқали таъсир қилиши яъни солиққа тортиш даражасини пасайтириши ёки бу

тармоқларни молиялаштириши, субсидиялар бериши ёки инвестиция қилиши ва ҳоказолар орқали давлатни иқтисодга аралашуви, уни тартибга солиш зарурияти юзага келади. Бунда давлат бошқариш воситалари орқали талабга ёки таклифга, ташқи савдо оборотига, инфляцияга, истеъмолга, сармояларни зарурий йўналишга буришга, таъсир ўтказишга ҳаракат қилади.

Демак, «Бозор мувозанатини таъминлаш уни сақлаш учун иқтисодиётни тартибга солиш объектив бозор механизмидан ташқари унга кўмаклашувчи давлат бюджет ресурсларини бошқаришга зарурат туғилади. Давлат иқтисодиётни тартиблашнинг бозор механизми тўлиқ бажара олмаган вазифаларни ўз зиммасига олади».

Давлат бюджет ресурсларини бошқаришда қуйидагиларни ўз олдига мақсад қилиб қўяди: иқтисодиётни инкирозларсиз ва молиявий узилишларсиз ўсишини таъминлаш, инфляциянинг олдини олиш ва нарх-наво барқарорлигини сақлашга эришиш; кам даромадли ва кўп болали оилалар, нафакахўрлар, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини яратиш; ташқи иқтисодий алокаларда тенгликни таъминлаш ва бошқалар. Аммо бу вазифаларга бир йўла эришишнинг иложи йўқ. Кўп ҳолларда бу мақсадларнинг бирини амалга ошириш иккинчисига зид келиб қолади. Бунда энг оптимал нисбатни таъминлаш давлатнинг иқтисодий бошқариш сиёсатининг асосий вазифасидир.

Бозор шароитида моддий манфаатдорликка интилиш ва рақобатнинг бўлиши сабабли бюджет ресурсларини ташкил этишда хўжалик субъектлари манфаатларининг бир-бирларига нисбатан ёки давлат ва жамият манфаатларига нисбатан зиддиятлар юзага келиши мумкин. Бунда давлат бу зиддиятларнинг юзага келмаслиги ёки уларни ҳал қилиш чораларини кўради. Шу мақсадда давлат бюджет ресурсларини ташкил этиш қонун-қоидаларини белгилайди ва уни бажарилишини назорат этади; тегишли жазо чораларини белгилайди; монополияни чегаралаб, рақобат муҳитини яратади ва шу орқали бозор механизмнинг ишлашига, бозор мувозанатини таъминлашга имконият яратади. Шунингдек “жамият тараққиёти учун зарур бўлган,

аҳолининг кўпчилиги фойдаланадиган ижтимоий товарлар ва хизматларни хусусий тадбиркорлик доирасида ишлаб чиқариш мумкин эмас. Уларга мактаблар, йўллар, миллий муҳофаа ва бошқалар киради. Уларни ишлаб чиқариш ва фойдаланишни давлатнинг ўзи ташкил этиши ва тартибга солиш бюджет ресурслари асосида ташкил этиш лозим бўлади. Иқтисодий тартибга солишнинг бюджет механизмини тақозо этувчи сабаблардан бири бозор тизимидан ташқарида содир бўлувчи инсон фаолиятининг ва табиатнинг салбий, зарарли оқибатларидан аҳолини ҳимоя қилиш заруратидир. Бундай зарарли оқибатларга инсон саломатлигига, табиатга зиён етказувчи омиллар киради. Бозор тизимида бундай зарарлар учун жавобгар шахслардан тавон тўлашга мажбур қилувчи механизмлар йўқдир. Шунинг учун давлат томонидан иқтисодий тартибга солиш механизмида бюджет ресурсларидан аҳолини зарарли оқибатлардан ҳимоялаш чора-тадбирлари муҳим аҳамиятга эга».

Иқтисодийнинг давлатлаштирилган тармоқлардаги инвестиция улуши Буюк Британияда 30-40% ни, Италияда 25%, Бельгияда 10-15 %, Недерландияда 15-20% ташкил этди. Шунингдек, бу даврда йирик кредит муассасалари ҳам давлат кўлига ўтди. Давлат кўлига асосан ҳарбий саноат, атом саноати, гидроқурилмалар, фундаментал фанларнинг ривожланиши билан боғлиқ ташкилотлар ва муассасалар ўтди. Кўп давлатларда кўмир, металлургия, нефть, газ, алоқа, транспорт соҳалари давлат корхоналарига тегишлидир. “Давлатнинг иқтисодий аралашуви орқали сармояларнинг ниҳоятда катта миқдорда тармоқлараро оқиб ўтиши юз берадики, эркин бозор муносабатлари шароитида унинг бу даражада бўлиши асло мумкин эмас”.

Бюджет ресурсларини бошқаришнинг яна бир муҳим йўналиши бу давлат харидларини, давлат истеъмолини кўпайтиришдир. Бу оддий тадбиркорлик шартномалари воситасида бевосита давлат ёки давлат корхоналари буюртмалари орқали амалга оширилади. Давлат буюртмалари ишончли, даромадли, доимо ўсиб боровчи бозорни таъминлайди, чунки бу

йирик жамланган харидлар конъюнктура тебранишларига боғлиқ эмас. Давлат бунда ишлаб чиқариш ва савдо таваккалчилигини ўз зиммасига олади. Ривожланган давлатлардаги бу харидларни биздаги асосий давлат харидлари, яъни пахта, ғалла харидларига тенглаштириб бўлмайди, албатта.

Бу харидлар кишлок хўжалик корхоналари учун даромадлиликни таъминламайди, бунда харид нархлар даражаси ва маҳсулот миқдори харидор, яъни давлат томонидан белгиланади.

Шундай қилиб, давлатнинг бюджет ресурсларини бошқаришга аралашуви барча давлатлар учун хосдир ва у кенгаймоқда. Факат бу бошқариш даражаси турли давлатларда турличадир.

1.2. Бюджет ресурсларини солиқлар орқали тартибга солишни аҳамияти

Давлатнинг иқтисодий тартибдашдаги энг муҳим молиявий воситаларидан бири солиқлардир. Солиқлар орқали бюджет ресурсларини оқилона бошқариш имконияти юқоридадир.

Турли давлатларнинг иқтисодий тузуми, иқтисодий, сиёсий ривожланиш даражаси, ишлаб чиқариш ва мулкчилик муносабатлари ҳолатининг турлича бўлиши, ўз навбатида ҳар бир давлатда солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ўрнини, солиқларнинг таркибий тузилишини, бевосита ва билвосита солиққа тортиш нисбатини, солиқлар бажарадиган функциялардан фойдаланиш шароитларини, солиққа тортиш тамойилларини, солиқ имтиёзлари таркиби ва улардан фойдаланиш даражасининг, солиқ юки даражасининг ҳам турлича бўлишини тақозо қилади. Бинобарин, бундай шароитда солиқлар орқали иқтисодий тартибдаш жараёни ҳам турлича бўлиши табиий албатта, аммо барча давлатларда бу бошқаришда солиқлардан фискал, рағбатлантирувчи ва жазоловчи (чегараловчи) восита сифатида фойдаланилади.

Бюджет ресурсларини солиқлар орқали бошқариш йўналишларини белгилашда мамлакатда солиқ муносабатларининг шаклланиш ҳолати ҳам муҳим роль ўйнайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида бўлган республикамиз учун солиқ муносабатлари ўзига хос тартибда, айтиш мумкинки, анча мураккаб шароитда шаклланиб бормоқда. Бундай шароитда солиқлар воситасида бюджет ресурсларини бошқариш йўналишларини белгилашда республикамиз иқтисодиётига хос бўлган қуйидаги иқтисодий ҳолатларни эътиборга олиш лозим, яъни:

1) солиққа тортиш тажрибасининг нисбатан камлиги ва айнан бозорни бошқариш тажрибасининг йўқлиги; иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнининг суствлиги;

2) мамлакатда ишлаб чиқаришнинг ва молиявий барқарор бўлган корхоналарнинг камлиги;

3) мулкчиликка бўлган эскича муносабатларнинг қисман сақланиб қолинганлиги ва мулкчилик турларининг, айниқса, хусусий секторнинг яхши шаклланимаганлиги; бозор иқтисодиёти қонунларининг амалда тўлиқ ишламаётганлиги (талаб ва таклиф, рақобат, моддий манфаатдорлик);

4) иқтисодиётни бошқаришда эски усул унсурларининг сақланиб келинаётганлиги ва моддий манфаатдорликнинг таъминланмаслиги;

5) микроиқтисодий даражада (солиқ имтиёзлари берилган тақдирда ҳам) молиявий маблағларнинг ниҳоятда камлиги ва инвестиция қилиш имконини чегаралаши ва бошқалар.

Демак, солиқлар орқали бюджет ресурсларини тартиблаш орқали солиқ муносабатларини оптималлаштириш йўналишлари республикамиздаги мавжуд мураккаб иқтисодий ҳолатни, шунингдек, ижтимоий ва сиёсий хусусиятларни тўғри акс эттиргани ҳолда, аввало тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлашга, миллий ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, корхоналарнинг молиявий барқарорликка эришишига, бозор механизмининг ишлашига, хусусий мулкчиликнинг ривожланишига, ташқи савдо балансини (экспорт ва импортни) мувофиқлаштиришга имконият

яратиши лозим. Чунки булар республикамиз иқтисодиётида мавжуд булган асосий муаммолар хисобланади.

Давлат томонидан бюджет ресурсларини бошқаришнинг шакли сифатида солиқлар орқали иқтисодиётга таъсир этишнинг иқтисодиёт ривожланиши босқичлари учун хос бўлган йўналишларини ишлаб чиқиш жуда мураккаб жараёндир. Бунда солиқларнинг таъсир доираларини тўғри танлаш лозим. Улар эса қуйидагилар бўлиши мумкин, яъни солиқлар ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнига, унинг таркибий тузилишига, динамикасига, жойлашишига, ИТТга таъсир этиши мумкин. Солиқлар ишлаб чиқариш фаоллигини рағбатлантириши ёки аксинча чеклаб туриши; шу йўл билан у ёки бу тармоқнинг ривожланишини таъминлаши; маҳсулот экспортини рағбатлантириши; мамлакатдаги ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш мақсадида протекционизм сиёсатини олиб бориши, капитал жамғариши ёки ушлаб туришига; талаб ва таклифни мослаштиришга таъсир этиши мумкин.

Солиқлар воситасида ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини пасайтиришга имконият яратиш мумкин.

Иқтисодий адабиётларда солиқлар воситасида иқтисодий сиёсатнинг маълум вазифаларидан келиб чикиб иқтисодни турли хил йўналишларда бошқаришни ифодаловчи атамалар учрайди. Масалан, “Дискрацияли фискал сиёсат” - бу давлат томонидан солиққа тортишни онгли равишда тартибга солиш тушунилади. Дискрацияли фискал сиёсат иқтисодий тушкунлик даврида солиқ босимини камайтиришга, инфляция даврида эса – солиқларни оширишга мўлжалланган бўлади. Бундан ташқари, давлат реструкцияли сиёсат юргизиши мумкин. Бу сиёсат ортикча ишлаб чиқариш билан боғлиқ кризислар пайтида қўлланилади ва товар ишлаб чиқаришни чегаралашга қаратилган бўлади. Шу билан бир вақтда давлат ижтимоий соҳаларни ташкиллаштиришни, субсидиялар ва арзон кредитлар беришни, давлат харидларини кўпайтиришни ўз зиммасига олади.

Автоматик фискал сиёсат ёки автоматик тўхтатиш сиёсати ҳам мавжуд бўлиб, бунда иқтисодиётдаги юз бераётган ўзгаришларга қараб

бюджет ресурсларини солиқлар орқали бошқариш тизимида тегишли ўзгаришларни автоматик амалга ошириш тушунилади.

Мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш даврида солиқ тушумлари кўпайтирилади, тушкунлик даврида солиқ тушумлари автоматик равишда қисқартирилади; ундирилаётган бюджет даромад суммаси камаяди - бу харид қобилиятини кўпайтириб натижада орқага қайтиш ушлаб турилади. Натижада бюджет ресурсларини солиқлар орқали тартибга солиш кучаяди.

1.3. Бюджет ресурсларига солиқлар орқали таъсир этиш усуллари ва бошқаришни аҳамияти

Солиқлар орқали бюджет ресурсларини бошқаруви турли усул ва шаклларда олиб борилиши мумкин. Улардан асосийлари қуйидагилардир:

- солиққа тортиш тизими ва структурасининг мамлакат иқтисодиёти учун энг хос бўлган шаклини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;
- солиқ ставкаларини ўзгартириш;
- солиқ имтиёзлари бериш;
- солиққа тортишнинг умумий даражасини урнатиш;
- ҳар бир солиқ базасига кирувчи элементлар таркибини белгилаш ва бошқалар.

Солиққа тортишнинг ўзига хос таркибдаги тизимини танлаш бюджет ресурсларини оптималлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Муайян таркибга кирувчи солиқлар ва йиғимлар объектлари ва манбалари бир-бирини қайта-қайта такрорламаслиги лозим. Объектлари, манбалари бир хил бўлган солиқларни қўшиш, иқтисодий имкониятларга қараб солиқлар сонини камайтириб бориш мақсадга мувофиқ.

Солиқ тизими структурасини ўзгартириш орқали ҳам корхоналарнинг истеъмол ва жамғариш жараёнига таъсир қилиши мумкин. Солиқ тизимида асосий ўринни эгалловчи фойда (даромад) солиғи, ва қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи юридик шахслар тўлайдиган солиқларнинг асосий

кисмини ташкил этади. Фойда солиғини юқори бўлиши корхоналар ривожланиши учун зарур бўлган инвестиция жараёнини тўхтатиб туради.

ҚҚС эса истеъмолни камайтиради. Агар фойда солиғини камайтириб олиб ташлаб) истеъмолга ҚҚС кўпайтирилса, у ҳолда корхоналар ўз даромадларидан иложи борича тўлиқроқ фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Фойда солиғининг йўқлиги (жуда камлиги) уларни фойдаларини инвестицияга сарфлаб янада кўпроқ фойда олишга рағбатлантиради. Бундай усулда бюджет даромадларига зарар етказмаган ҳолда мақсадга эришиш мумкин. ҚҚС камайтирилса талаб ортади. Демак эгри солиқлар орқали истеъмолга таъсир қилиш, истеъмол даражасини бошқариш мумкин бўлади.

Эгри солиқларни жорий этиш ёки ставкасини кўтариш истеъмолни пасайтиради ва пул маблағларининг жамғарилишига олиб келади. Бунда истеъмолга мўлжалланган маблағларни инвестицияга ёки сармоя жамғаришга жалб қилиш мумкин бўлади. Узоқ муддатли жамғармалар келажакда иқтисодий ўсишнинг асосий омили бўлади. Бизнинг республикамиз солиқ тизими структурасидаги асосий муаммо эгри ва туғри солиқлар нисбатини мувофиқлаштиришдир.

Давлат солиқ ставкаларини ўзгартириши орқали ҳам иқтисодиётга самарали таъсир қилиши мумкин. Солиқ ставкалари ҳозирги пайтда тобора мураккаблашиб ва туркумлашиб бормоқда. Солиқ ставкаларини ўзгартириш орқали молиявий оқимлар ва товарлар оқимларининг айрим соҳалари учун кўшимча рағбатлар яратилади. Импорт товарларга солиқ ставкаларининг оширилиши маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларга яхши имконият беради, аммо ташқи савдо оборотига салбий таъсир этади ва ҳоказо.

Солиқ ставкалари орқали иқтисодиётни маълум мақсадларда бошқаришда солиқ ставкаларини тармоқлар, ҳудудлар, товар ва хизматлар гуруҳлари, соҳалар бўйича гуруҳлашда фойдаланиш мумкин. Солиқ тизими таркибини сақлаган ҳолда уларнинг микдорий кўрсаткичларини ўзгартириш орқали, корхоналарнинг алоҳида гуруҳларининг фаолияти учун танланган солиқ сиёсати юритиш, вақтинча иқтисодий шарт-шароитларни (вазиятни) ўзгартириш мумкин.

Солиқлар воситасида иқтисодий жараёнларни зарур йўналишларга бошқариб туришнинг энг самарали усули солиқ имтиёзларини такдим этиш бўлиб, иқтисодий сиёсатнинг вазифаларидан келиб чикиб белгиланган мақсадларни амалга ошириш мақсадида сармоя ўтказиш, тадбиркорлик фаолиятини фаоллаштириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, валюта тушумларини кўпайтириш, ижтимоий соҳа объектларини молиялаштириш каби фаолиятлар рағбатлантирилади.

Солиқлар воситасида бюджет ресурсларини бошқаришда солиқ имтиёзларини қўллашдан мақсад, айрим солиқ тўловчиларнинг солиқларини камайитириш ёки озод этиш эмас, балки ишлатилаётган даромадлар, молиявий маблағлар оқимини иқтисодий тараққиёт учун зарур деб топилган томонга йўналтиришдир. Республикамизда солиқ муносабатларини оптималлаштиришнинг муҳим йўналиши солиқ имтиёзларидан оптимал даражада фойдаланишни таъминлаш билан боғлиқдир.

Солиқ юкининг оптимал даражасини белгилаш солиқ муносабатларини оптималлаштиришнинг энг муҳим коидаси эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки, солиқ имтиёзлари такдим этилса-да, унинг ставкалари пасайтирилсада, аммо умумий солиқ юкининг юқориликча қолиши ва хўжалик субъектлари учун моддий манфаатдорликни таъминламаслиги оқибатида иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсирини ўтказади.

Солиқларнинг бюджет ресурсларига таъсирини аниқлашда кўп ҳолларда иқтисодий амалиёт натижаларининг етарлича мураккаб занжирини таҳлил этишни талаб қилади. Бунда турли муддатли даврларда турлича, баъзида қарама-қарши натижалар юзага келади. Чунки реал иқтисодиётда доимо қарама-қарши жараёнлар ҳукм суради. Шу туфайли солиқлар воситасида бюджет ресурсларини бошқаришни ҳеч қачон идеал даражага олиб бориб бўлмайди. Аммо уни иқтисод ривожланишига тўсик бўлмайдиган, балки имкониятлар берадиган даражада сақлаш мумкин, албатта. Бюджет ресурсларини оқилона бошқаришда солиқларни роли ҳозирги кунда ҳам тобора ошиб бормоқда. Уни бюджет даромадларини йил сайин ошиб боришида кўриш мумкин.

II Боб. Ғазначилик тизимини ривожланиш босқичида маҳаллий бюджетлар ресурсларини шакллантиришнинг амалдаги ҳолати

2.1. Маҳаллий бюджет ресурсларини ташкил этишнинг айрим хусусиятлари

Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган беш тамойил мустақиллик йиллари иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда асрларга татигулик ўзгаришларга асос солди. Айниқса, иқтисодиётни эркинлаштириш, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, бюджетни соғломлаштириш, мукаммал бюджет-солиқ тизимини яратиш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш йўллари кўрсатиб берди. Айни чоғда хусусий мулкнинг етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини, узида мужассам этган замонавий яхлит тизимни вужудга келтириш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш каби бош йўналишларни ҳам аниқ-равшан белгилаб олди. Хусусан, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида маҳаллий бюджет ва даромадларни шакллантиришга оид қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишга бўлган эътибор кучайтирилди.

Маҳаллий бюджет ресурслари мавқеини ошириш — бюджет-солиқ сиёсати самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим омил. Президентимиз таъкидлаганларидек, **«Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш зарур. Бу эса минтакалар мустақиллигини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини, бюджетнинг ижросидан манфаатдорлигини ва бу борадаги масъулиятини ошириш имконини беради. Бундан ташқари, бу... маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини кидириб топишни рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустаҳкамлайди».**

Маҳаллий бюджет ресурсларини бошқа даромадлари (юқори бюджетдан олинадиган дотациялар, мақсадли субвенциялар ва бошқа маблағлар)ни Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети мисолида курайлик: тан олиш керак, вилоятда фаолият кўрсатаётган солиқ тўловчиларнинг бюджетга тўловлари маҳаллий бюджет харажатларини тўлалигича қоплаш имконини бермаётир. Республика бюджетидан олинаётган маблағ қилинаётган харажатларнинг деярли 62-63 фоизини қоплаб бермоқда. Бу эса мамлакатда энг юқори кўрсаткич бўлиб қолмоқда. Тўғри, бу рақамни буткул йўқ қилиб бўлмайди, лекин, юқори бюджетдан олинаётган дотация миқдорини камайтириш имкониятлари мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Бунда давлат ҳокимияти ва бюджет тизимини бошқариш органларининг ваҳолатлари доирасида, бюджетни ижро этишдаги иштироклари ва юклатилган вазифаларнинг бажарилишида жавобгарлик ҳамда рағбатлантириш тизими шакллантирилса, бас.

Маҳаллий бюджет ресурсларини шакллантириш муаммолари ижроси йўлида молия бозорларидан жалб этилган ва мобилизация (сафарбар) қилинган (табақалаштирилган ўз маблағлари кўринишидаги) даромад тушумларини маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қўлланилиши жоизроқ эмасмикан?

Маълумки, маҳаллий ҳокимиятларнинг ўзларига тегишли ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида олинадиган бюджет ресурсларини тўлиқ маҳаллий бюджетлар ихтиёрига берилади. Бюджет даромадларини оширишнинг энг асосий йўли эса, бу — ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва солиқ тўловчилар сонини кўпайтиришдир. Бунинг учун маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш, бюджетлараро муносабатларни ислоҳ қилиш, солиқ тушумларини ошириш керак бўлади. Солиқлар қатори солиқсиз йиғимлар ҳам бюджет манбаси бўлиши лозим. Чунки, биласиз, солиқ юқини ошириш чегараланган. қолаверса, маҳаллий бюджетлар тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришда маҳаллий ҳокимият органлари ўзларига тегишли

худуддаги хусусий ва кичик бизнесни янада ривожлантиришлари, маҳаллий хом-ашё ҳисобига ишловчи янги қўшма корхоналар куришлари ва шу йўл орқали солиқ манбаларини кўпайтириб боришлари эндиликда замон талаби бўлиб қолмоқда. Зеро, улар ўз даромадлари манбаларининг кўпайишидан манфаатдордир.

Аммо, шу ўринда бир гап: маҳаллий бюджетларни қўшимча маблағ билан таъминлаш воситаси сифатида дотация ва субвенсиялар ажратилиши мукамал тизим ҳисобланмайди. Чунки, бу маблағлар рағбатлантириш хусусиятига эга эмас. У хужалик ташаббускорлигини ошириш ўрнига бюджет ресурслари имкониятини камайтиради ва молиявий назоратни сусайтиради. Бундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, маҳаллий бюджет ресурслари таркибида солиқли даромадларни шакллантириш — ҳозирги кун муаммоси. Бунинг учун аввало, худудлардаги ишлаб чиқаришни ривожлантириш, яъни солиқ тушумларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий бюджетлар ихтиёрига солиқлар ва йиғимларни жорий килишда маълум маънода мустақиллик бериш керакка ўхшайди. Шунда, давлат бюджети даромадлари янада ошиши мумкин.

Республикамизда худудларнинг иқтисодий ривожланишини ошириш учун маҳаллий ҳокимият органларини иқтисодий ва ҳуқуқий база билан таъминлайдиган етарли ҳуқуқий шароит яратилган. Бу, авваломбор, маҳаллий бошқарув органларига давлат мулкани бошқариш ҳуқуқини берувчи **«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»**ги Қонундир. Бундан ташқари, маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган қатор ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар ҳам мавжуд. Улар орасида Вазирлар Маҳкамасининг **«Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»**ги (1999 йил, 3 сентябр, 414-сонли) қарорини ва шу қарор асосида ишлаб чиқилган **йўриқнома** ҳамда **қоидалар** алоҳида ўрин тутади. Улар маҳаллий бюджетлар даромадлари имкониятларини кенгайтириб, маблағларнинг бюджетдан ташқари манбаларини излаб топиш ва фойдаланиш имконини беради. Бунинг учун

бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаларини ташкил этиш орқали олинадиган даромадларни ошириш мақсадида жойлардаги маҳаллий молия органлари томонидан уларнинг бинолари ва асосий воситаларини инвентаризациядан ўтказиш лозимга ўхшайди. Ва шу йўл билан даромад олинishi мумкин бўлган манбаларни аниқлаш ҳамда улардан фойдаланиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, пировардида, ижросини таъминлаш учун ҳам тавсиялар бериб борилиши мақсадга мувофиқдир. Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармалари ҳисобидаги маблағларнинг ошиши, айниқса, улар томонидан вақтинча фойдаланилмай тўрган бинолар ва бошқа мол-мулкларни турли ташкилотларга ижарага беришдан олинаётган даромадларнинг кўпайиши (агар олинган даромадларнинг 50 фоизи ўз ихтиёрларига қолиши ва қолган 50 фоизининг маҳаллий бюджетлар ҳисобига ўтказилишини ҳисобга олсак) бир вақтнинг ўзида: ҳам бюджет даромадларининг ошишига, ҳам харажатларни мувофиқлаштиришга имкон беради. Маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари самарадорлигини оширишда маҳаллий молия органлари ролини ўрганиш натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, бюджетга қўшимча даромадлар жалб этиш бўйича янги манбаларни излаб топиш ҳамда чекланган ресурслар шароитида бу даромадларни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан энг зарур соҳаларга йўналтирилишини таъминлаш катта аҳамиятга эга. Зеро, жараёни самарали бошқариш — бевосита мазкур муаммони муваффақиятли ҳал этилиши билан боғлиқ. Қолаверса, бюджет даромадларини ошириш доирасида кўрилаётган чора-тадбирлар, даромадларнинг мустаҳкамланиши ва такомиллаштирилиши ҳамда харажатларнинг мувофиқлаштирилишини, шунингдек, уларнинг белгиланган параметрларда амалга оширилиши жараёнларини назорат қилиб боришни молия идораларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Молия идоралари, жумладан, маҳаллий молия муассасалари — давлатнинг молиявий ҳамда бюджет-солиқ сиёсатини амалга оширилишини таъминловчи, лўндароқ айтганда, молиявий назоратни ижро этувчи орган. Яна бир мулоҳаза: бюджет даромадларини ошириш билан бирга, бюджетнинг ортиқча харажатларига

хам аҳамият бериш ҳозирги кун масалаларидан бири. Мисол учун, Самарқанд вилоятида бюджет ташкилотларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш битта ташкилот — «Махсуссавдофирмаси» орқали (бир неча йиллардан буен) йўлга қўйилган. Мазкур ташкилот молия органи тасдиқлаб берган нархлар доирасида маҳсулотларни бюджет ташкилотларига вақтида, ҳеч бир муаммосиз етказиб бермоқда. Натижада йилига бир неча ўн миллион сўмлаб бюджет маблағлари тежаб қолинапти.

Бир неча йил аввал бюджет ресурсларининг маълум қисми коммунал тўловларга харажат қилиниб, унинг аниқ ҳисоб-китобига етиш қийин эди. Ҳозир эса Молия вазирлиги ташаббуси билан электр-энергия, табиий газ ва иссиқ ҳамда совуқ сув билан таъминланаётган барча бюджет муассасалари ўлчов асбоблари билан таъминлангач, бундай тўловларга бўлган харажатлар кескин камайди ва ҳисоб-китоб ишлари жой-жойига тушиб бормоқда.

2.2. Бюджет ресурсларини самарали ташкил этишда ғазначилик назорати таҳлили

Маҳаллий бюджет ресурслари ўзининг даромад ва харажат қисмига эга бўлиб, улар биргаликда ўзаро боғлиқ категориялар ҳисобланиб, уларнинг ҳар бири ўзининг хусусиятли томонларига эгадир. Яъни мақсадли бюджет ресурсларини ташкил этиш маҳаллий ҳукумат органлари фаолиятининг молиявий базаси ҳисобланади, харажатлар эса ҳудудий эҳтиёжларни ўндиришга хизмат қилади. Шу билан биргаликда, харажатлар даромадлар билан боғлиқдир, ўз навбатида маҳаллий ҳукумат органларининг фойдаланадиган маблағлар ҳажми билан ҳам боғлиқдир. Маҳаллий бюджет ресурсларини шакллантириш жараёнида маҳаллий давлат ҳукумат органлари ва белгиланган ҳудудда рўйхатда бўлган юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасида маълум бир пулли муносабатлар юзага келади. Ушбу муносабатлар юзага келишининг шакллари бўлиб корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг турли хил солиқли ва солиқсиз тўловлари намоён бўлади. Бюджет

ресурсларини ташкил этиш маълум маънода ҳўжалик юритиш методлари ва тизимига, шунингдек, жамият томонидан ҳал этиладиган вазифаларга боғлиқдир.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш билан, мулкчилик шакллариининг бошқа шакллариини пайдо бўлиши шароитида бюджет даромадларини шакллантириш қонунчилик асосида ундириладиган юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқли тўловлари ҳисобига амалга оширилади.

Маҳаллий бюджет ресурсларини мустақиллик принциpidан, уларнинг давлат молиявий қўллаш принциpidан келиб чиқиб, маҳаллий бюджет даромадлари маҳаллий ва умумдавлат солиқлари ҳисобига шакллантирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджет ресурсларини қуйидагилар ҳисобига шаклланади³.

- Қонун ҳужжатларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар, шунингдек мажбурий тўловлар ва солиқ бўлмаган бошқа тушумлар;

- Қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлар, божлар, шунингдек мажбурий тўловлар ҳамда бошқа тушумлари;

- Қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат мулкени жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;

- Қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

- Бюджет субвенциялари, дотациялари ва юқори бюджетдан берилган ссуддалар;

- Юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

- Қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизми тўғрисида»ги қонуни 2000 йил 14 декабр

Бюджетлараро муносабатларни барқарорлаштиришнинг асосий шарти турли даражадаги бюджетлар молиявий базасини шакллантириш жараёнларини ўзаро боғлашдир.

Улар молиявий базалари ҳар бир бюджетнинг даромадидан тартибга солувчи, бириктирилган солиқлар тушумидан унингдек юқори бюджетдан бериладиган молиявий ёрдамлардан ташкил топади.

Барча солиқ тушумларини ҳисобга олиш мақсадида барча солиқларни республика бюджетига марказлашган йиғими ва тушуми амалга оширилади. Ундан кейин турли бюджет бўғинлар бўйича уларнинг тақсимоти амалга ошади.

Бюджетлар ўртасида бюджет ресурсларини қайта тақсимлаш нуктаи назаридан солиқларнинг бўлиниши ва уларни бюджетнинг маълум бўғинига бириктирилиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Президентимиз қуйидаги фикрни билдирганлар: «Муайян бюджетларни шакллантириш манбалари бўлган республика солиқлари билан маҳаллий солиқлар ўртасида аниқ чегара ўтказиш солиқ тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишидир»⁴.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетлар даромадларида маҳаллий солиқлар салмоғининг таҳлили⁵, %да

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1	2	3	4	5
Республика маҳаллий бюджет даромадлари жами	100	100	100	100
Жумладан: жами маҳаллий солиқлар	35,8	36,8	37,7	38,2

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон 1996. 63-б.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

Республика маҳаллий бюджет ресурсларида маҳаллий солиқлар улушини таҳлил қиладиган бўлсак, маҳаллий солиқлар улушининг ўсиб боришини кўришимиз мумкин. Бу кўрсаткич 2010 йилда 37.7 фоизни ташкил қилган ёки 2008 йилга нисбатан 1.9 фоизга, 2009 йилга нисбатан эса 0.9 фоизга ўсган. 2011 йил якунида бу кўрсаткич 38.2 фоиз бўлиши кутилаётганлигини кўрсатмоқда. Маҳаллий бюджет даромадларидаги маҳаллий солиқлар ўсиши фикримизча маҳаллий солиқлар ҳажмининг ўсиши билан эмас, балки маҳаллий бюджет солиқсиз даромадларининг ўсиши ҳисобига рўй берган.

2-жадвал

Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети даромадларида солиқлар ҳиссасининг таҳлили⁶, %да

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1	2	3	4	5
Жами вилоят маҳаллий бюджет даромадлари	100	100	30.2	10.4
Шу жумладан: жами маҳаллий солиқлар	24	0.7	4.7	1.5
Шу жумладан: юридик шахслар мулк солиғи	8.1	0.4	4.7	3.5
Жисмоний шахс мол-мулк солиғи	0.4	1.8	2.6	100
Ер солиғи	4.3	30	7.0	0.5
Инфратузилмани ривожлатириш солиғи	1.0	3.6	2.4	0.3
Давлат йиғимлари	0.6	5.5	4.4	1.6
Бошқа маҳаллий солиқлар	5.1	0.4	100	26
Кичик корхоналардан ягона солиқ	1.9	8.4	0.5	3.6
Тадбиркорлик фаолиятдан	1.4	2.1	0.4	5.3
Бошқа солиқсиз йиғимлар	0.9	3.7	1.9	0.3

⁶ Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

Маҳаллий солиқлар улуши Самарқанд вилоят бўйича 2008 йилдаги 24% дан 2010 йилда 30 % га кўпайган. Бундан кўриниб турибдики, вилоят бюджет даромадларида маҳаллий солиқлар улуши ўсиб бормоқда. Жадвалдан кўринадик, маҳаллий солиқлар тушумининг асосий қисми мулк, ер ва кичик корхоналардан ягона солиқ ҳисобидан таъминланган. Вилоят бюджети даромадларида маҳаллий даромадлар улушини таҳлил қилсак, 2010 йилда 2008 йилга нисбатан юридик шахслар мулк солиғи 3.4 фоизга, ер солиғи 1.1 фоизга, бошқа солиқларсиз йиғимлар 2.2 фоизга камайган бўлсада, инфраструктура солиғи 0.9 фоизга, кичик корхоналардан ягона солиқ 0.9 фоизга кўпайишига эришилган.

Юқоридаги иккала жадвални таққосласак Республика маҳаллий бюджет даромадларида маҳаллий солиқлар улуши Самарқанд вилояти кўрсаткичларига нисбатан 2008 йилда 11,8 фоизга, 2009 йилда 6,6 фоизга 2010 йилда 7,7 фоизга юқори бўлган, 2011 йилда 12,8 фоизга ошиши кутилмоқда. Бундан шундай хулоса қилишимиз мумкинки Самарқанд вилояти бўйича маҳаллий солиқлар тушумини Республикадаги ўртача кўрсаткичига тенглаштириш имкониятлари кўрилиши керак.

Маҳаллий ҳудуд иқтисодиётининг қарор топиши ва унинг молиявий мустақилликка эга бўлиши учун бюджетни мустақил шакллантириш ҳуқуқигина эмас, балки уни бошқариш ҳуқуқи ҳам зарур.

Маҳаллий ҳудуд иқтисодиётини солиқ механизми асосида тартибга солиш бўйича:

Биринчидан, ҳудудий ўз-ўзини молиявий бошқаришда солиқларни норматив тартибга солиш;

Иккинчидан, кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантиришда солиқлар иқтисодий категория сифатида қаралиши;

Учинчидан, мустақил ҳудудий иқтисодиётда иқтисодий ислохотлар тизими;

Тўртинчидан, ҳудудий иқтисодиётда маҳаллий ҳокимият органлари масъулияти муҳим омил саналади.

Қуйида биз айрим ривожланган давлатлар маҳаллий бюджетлари даромадларини кўриб чиқамиз.

АҚШда маҳаллий бошқарувга муниципалитетлар, шаҳар бошқарувлари, мактаб округларини киритиш мумкин. Маҳаллий бюджетларнинг даромадининг 40% юқори бюджетидан ўтказмалар ҳисобига шаклланади. Асосий бириктирилган солиқ бўлиб мол-мулк солиғи (кўчмас мулк солиғи) ҳисобланади, у эса маҳаллий бюджетларнинг солиқли тушумларининг 70% ни ташкил этади. Кўпгина штатларда чакана савдо солиғи киритилган. Маҳаллий бюджетлар даромадининг 20%дан ортиёи бошқа тушумларни ташкил этади; ижарага бериш, ер ва массивларни сотиш, коммунал корхоналарни эксплуатация қилиш, маҳаллий транспорт, йўл, сувдан фойдаланиш, электроэнергиядан фойдаланиш, жарима солиш, йиғимлар.

Канада маҳаллий солиқлар даромадларининг 40% га яқинини маҳаллий солиқлар, 12%ни солиқсиз тўловлар, 48%ни субсидиялар ташкил этади.

Швецияда маҳаллий органларнинг бюджетининг 70-80% бириктирилган манбалар ҳисобига ва энг аввало-фуқоролар муниципал даромад солиғи ҳисобига шакллантирилади. Унинг ставкаси 18% ни ташкил этади. Ҳукумат дотациялари 15-20%ни ташкил этади.

Буюк Британия туманларнинг бюджет даромадларининг ўртача 30%ни ноқишлоқ хўжалик ерлари ва қурилишлар эгаларидан маҳаллий солиқлар ҳисобига шаклланади. Ҳукумат дотациялари 30%га яқинини ташкил этади.

Германияда солиққа тортиш қатъий тартибга солиб турилади. Маҳаллий ҳукуматга юқори даражадаги солиқлар каби солиқларни ундириш ман қилинган. Асосий маҳаллий солиқлар бўлиб ер солиғи ва саноат йиғимлари ҳисобланади, улар бюджет даромадларининг 30%ни беради. Шунингдек бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳам ундирилади, масалан, кўнгил

очарлик учун, итлар учун, ичимлик муассасаларини очиш учун ва кўчаларни йиғиштириш учун йиғим, ахлат чиқариш учун йиғим ва бошқалар.

Францияда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш кўп тармоқли тизимдир, у ўз ичига ҳудудлар, департаментлар, комуналларни олади. Маҳаллий бюджет даромадларнинг 70%га яқинини солиқли тушумлар ва 30%га яқинини марказий бюджет субсидиялари ташкил этади. Францияда асосий маҳаллий солиқлар бўлиб уй-жой солиғи, ер солиғи, саноат солиғи ҳисобланади. Булардан ташқари минглаб чиқиндиларни тозалаш учун, ҳудудларни тозалаш учун ва бошқа маҳаллий солиқлар мавжуд.

Маҳаллий ҳукумат органлари ўзларни солиққа тортиш ставкаларини белгилашади, аммо уларнинг катталиги белгиланган ўоидалар билан чегераланган. Масалан: ер солиғи ставкаси ўтган йилги ставкадан ошмаслиги керак.

Юқорида айтиб ўтилган айрим мамлакатларнинг маҳаллий солиққа тортилиши шуни кўрсатадики, яъни ривожланган мамлакатларда маҳаллий солиқлар кўпгина ҳолларда янгича солиқлар таркиби бўйича ҳам, уларнинг ҳисоблаш усули бўйича ҳам мураккаб тизимини намоён этади. Маҳаллий ҳукумат органлари солиқларни бюджет даромадларини шакллантиришнинг юз фоизли манбаи деб қарамасдан, фақат ижтимоий муаммоларни имкон даражадаги солиқ тўловчиларнинг озод этишларни ҳисоблашнинг маҳсус усули, йўли билан бир элементи сифатида қарайдилар.

Ҳар қандай иқтисодий ҳолатга қарамай давлат ўз мавжуд бўлишининг энг муҳим омили унинг ўз олдиёа турган вазифаларёнинг бажариш учун етарли бўлган молиявий маблағга эга бўлишидадир. Бу масалада давлат бюджети тизимининг муҳим бўғини бўлган маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг ўзига хос жихатлари мавжуд. Бу ўзига хос хослик маҳаллий бюджетларнинг ўз ҳудудлари доирасида амалга ошириладиган вазифаларидаг келиб чиқади.

Маҳаллий бюджетларнинг иқтисодий фаолият олиб боришлари уларнинг ўз даромадлар манбаини мавжудлиги билан характерланади.

Маҳаллий бюджетлар ўз ҳудудида турли йўналишдаги вазифаларини ҳал қилиш учун етарли бўлган молиявий маблағга эга бўлишлари керак.

2.3. Ҳазначилик тизимини ривожланиш босқичида маҳаллий бюджетлар ресурсларини таҳлили

Маҳаллий бюджет ресурсларини шакллантириш Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда аниқ белгиланган. Ушбу қонуннинг 18 моддаси биринчи бандига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар даромадлари қонун ҳужжатларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар, шунингдек маҳаллий тўловлар ва солиқ бўлмаган бошқа тушумлар маҳаллий бюджетларнинг биринчи даромад манбаи сифатида кўрсатилган.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манбаини вужудга келтириш, табиий ва бошқа ресурсларни қайта ишлаб чиқариш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш мақсадини кўзлайди.

Бюджет тизими бўғинлари ўртасида умумдавлат пул ресурсларини тақсимлаш асосида маҳаллий бюджетларнинг мустақиллик принциплари, уларнинг давлат молиявий қўллаб-қувватлаш принципи, манбалар ва даромадларини ҳудудий шакллантириш принциплари Ётади. Ушбу принциплардан келиб чиқиб маҳаллий бюджетларнинг даромадлари бириктирилган ва тартибга солувчи даромад манбалари ҳисобига шакллантирилади.

Бириктирилган даромадлар – бу бюджет ҳуқуқи субъектига тегишли маблағдир, яъни юқори бюджетни четлаб ўтиб, доимий асосда, қатъий белгиланган улушда ёки тўлиқлигича тегишли бюджетга келиб тушувчи маблағлардир. Бириктирилган даромадлар асосини маҳаллий солиқ ва

йиЁмлар, қатъий улушда ва доимий асосда маҳаллий бюджетларга берилган умумдавлат солиқлардан ўтказмалар ташкил этади. Давлат маҳаллий ҳукумат органларига улар тармоғидаги бириктирилган даромадларнинг ортиқча мавжудини молиявий ресурс сифатида, уларга бириктирилган вазифаларни бжариш учун тақдим этади. Шу йўл билан давлат турли даражадаги бюджетларни бошқариб туради, уларнинг даромад ва харажатларини баланслаштиради.

Мамлакат солиқ қонунчилигига мувофиқ маҳаллий бюджет ресурсларига маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бириктирилган. Ушбу солиқлар бўйича ставкаларни, ўоидага мувофиқ марказий ҳукумат органи белгилайди. Кўпгина мамлакатларда ушбу солиқларнинг сони 20 дан 100 гача мувозанатда бўлади, уларнинг маҳаллий бюджет даромадларидаги улуши 30-70% гача бўлади.

Тўғри солиқларнинг турлари бўйича маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромадларидаги нисбати ҳам турли давлатларда турличадир. Скандинавия мамлакатларида фойда, даромад солиқларидан тушадиган тушумлар, бириктирилган даромадлар жами суммасининг 80-90 фоизини ташкил қилади. Белгия, Германия, Австрия давлатларида худди шу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқдир. Ирландияда мулк солиқлар ягона бириктирилган солиқлар бўлиб ҳисобланади. Нидерландияда эса мулк солиқлар ҳисобига барча бириктирилган солиқларнинг 2/3 қисми тўғри келади. Японияда маҳаллий бюджетларга бириктирилган солиқлардан тушадиган даромадларнинг 48 фоизи уй-жой солиғига, 21 фоизи эса кўчмас мулк солиғига тўғри келади.

Амалда маҳаллий ҳокимият органларининг жавобгарлик ва манфаатдорликларини ўз вақтида молиялаштирилиши, ажратмаларнинг тўлиқ ҳажмда белгиланган бюджетларга келиб тушишини таъминлаш мақсадида, қуйидаги солиқлар бўйича тушумларнинг тўлиқ ҳажмда маҳаллий бюджетлар ихтиёрига берилиши белгиланди:

1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

2. Атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун солиқ ва тўловлар;
3. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ;
4. Юридик шахсни ташкил қилмай, тадбиркорлик фаолияти билан шуёулланувчи жисмоний шахслар даромадидан солиқ;
5. Алоҳида турдаги тадбиркорлик фаолиятини олиб боровчи юридик ва жисмоний шахслар даромадидан қатъий солиқ;
6. Республикада ишлаб чиқариладиган пиво, ўсимлик ёғи, гилам ва гилам маҳсулотлари, биллур ва биллурдан ясалган ёритиш жихозлари, мебель, видео-аудио маҳсулотлари, хўжалик совуни, кумушдан ясалган ошхона анжомлари бўйича акциз солиғи.

Маҳаллий бюджет ресурсларига бириктирилган даромадлари тарёибида, маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг юқори салмоққа эга эканлиги юқорида таъкидлаб ўтилди. Жумладан Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети даромадларида ҳам, маҳаллий солиқ ва йиғимлар юқори салмоққа эгадир (3-жадвалга қаралсин).

Самарқанд вилоят маҳаллий бюджет ресурсларини 2011 йилда бажарилишини таҳлил қиладиган бўлсак, вилоят маҳаллий бюджетларининг жами даромадлари 51902,4 млн. сўм миқдорда белгиланиб, ҳақиқатда 52646,3 млн. сўм миқдорда бажарилганлигини кўришимиз мумкин. Ҳақиқатдаги бажарилиш 101,4 фоизни ташкил этган.

Вилоят маҳаллий бюджети даромадларининг шаклланишида, тартибга солувчи даромад ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи катта салмоққа эга. Ушбу солиқ тури бўйича вилоят бюджети даромадларига 18002,6 млн. сўм тушуми режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 18459,0 млн. сўм миқдорида тушум тушган, яъни ушбу солиқ бўйича ҳақиқатда 456,4 млн. сўм кўп даромад тушган. Режанинг бажарилиши 102,5 фоизни ташкил этган. Ушбу солиқни таркибий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, қўшилган қиймат солиғининг жами даромадлардаги ҳиссаси 35 фоизни ташкил қилган.

**2011 йилда Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети даромадлари
тузилишининг таҳлили⁷**

(млн. сўм)

Даромадлар	Аниқланган режа	Бажарилиши		Фарқи (+,-)
		суммада	%	
1.	2.	3.	4.	5.
Қўшилган қиймат солиғи	18002,6	18459,0	102,5	456,4
Акциз солиғи	2579,9	2557,0	87,5	-323,0
Фойда солиғи	6706,9	6770,0	100,5	63,1
Юридик шахслар мол-мулк солиғи	5059,3	5484,3	108,4	425,0
Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	415,5	444,9	107,4	29,4
Жисмоний шахслар даромад солиғи	9333,4	9524,7	102,1	191,4
Патент	997,7	1005,2	100,7	7,4
Давлат божи	284,6	219,4	77,1	-65,2
Сув солиғи	130,4	130,6	100,1	0,2
Ер солиғи	2510,8	2512,1	100,1	1,3
Экология солиғи	1930,8	1874,1	97,1	-56,8
Ижтимоий инфратузил-мани ривожлантириш солиғи	765,0	820,0	107,2	55,0
Деҳқон бозорларидан йиғим	290,8	293,3	100,9	2,5
Ягона солиқ	1556,4	1727,4	111,0	171,0
Бошқа хар хил солиқсиз тушумлар	1338,3	1124,5	84,0	-213,9
Даромадлар жами	51902,4	52646,3	101,4	743,9

⁷ Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

2011 йилда Самарқанд вилояти маҳаллий бюджет ресурсларида юқори салмоққа, шунингдек фойда солиғи эгадир.

Фойда солиғини таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу солиқ бўйича тушум 6706,9 млн. сўм миқдорда белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 6770,0 млн. сўм миқдорда тушум тушган. Яъни ушбу солиқ бўйича 63,1 млн. сўм кўп даромад тушган.

Вилоят маҳаллий бюджети даромадларида бошқа солиқсиз тушумлар 1338,3 млн. сўм миқдорида режалаштирилган, ҳақиқатда бу сумма 1124,5 млн сўмни ташкил этган. Вилоят маҳаллий бюджетидида ушбу даромад тури бўйича режа 84,0 фоизга бажарилган. Агарда режа тўлиқ ҳажмда бажарилганда, вилоят бюджетига қўшимча 213,9 млн. сўм пул тушган бўлар эди. Самарқанд вилояти маҳаллий бюджет даромадларида юридик шахслар мол-мулк солиғи 10,4 фоиз салмоққа эгадир. Ушбу солиқ вилоят бўйича ортириб бажарилган, яъни режа бўйича 5059,3 млн. сўм миқдорда тушум тушиши белгиланган бўлса, ҳақиқатда 5484,3 млн сўм тушум бўлган. Режа 8,4% ортиёи билан бажарилган ва шу орқали вилоят маҳаллий бюджети даромадлари қўшимча 425 млн. сўмга бойитилган.

Вилоятда баъзи бир солиқ тушумлари бўйича режа бажарилмаганлиги туфайли, умумий миқдорда 658,9 млн. сўм миқдорда пул вилоят маҳаллий бюджетидан четлаштирилган. Баъзи бир солиқ турлари бўйича режанинг ошириб бажарилиши туфайли вилоят маҳаллий бюджетига қўшимча 1402,7 млн. сўм пул тушган.

Юқорида 2011 йилда Пайариқ туман маҳаллий бюджети даромадларининг тузилишини кўриб чиқдик. Ушбу даромад турларининг 2011 йилдаги ўзгаришларини ҳамда туман маҳаллий бюджет даромадлари таркибига янги турдаги даромадларнинг қўшилишини қуйидаги 4-жадвалда кўриб ўтамыз.

**2011 йилда Пайарик туман маҳаллий бюджети даромадлари
тузилишининг таҳлили⁸**

(млн. сўм)

Даромадлар	Аниқланган режа	Бажарилиши		Фарқи (+,-)
		суммада	%	
1.	2.	3.	4.	5.
Қўшилган қиймат солиғи	32066,4	31391,3	97,9	-675,1
Акциз солиғи	5574,1	6338,3	113,7	764,1
Фойда солиғи	10192,5	9702,4	95,2	-490,1
Юрид.шахс. мол-мулк солиғи	5501,7	5682,8	103,3	181,1
Жис. шахс. мол-мулк солиғи	427,3	414,3	96,9	-13,1
Ишчи хизм. ол. даром. солиғи	12299,1	12656,5	102,9	357,3
Патент	1289,9	1318,6	102,2	28,7
Давлат божи	305,6	283,9	92,9	-21,8
Сув солиғи	174,4	174,5	100,1	0,1
Ер солиғи	3267,9	2931,3	89,7	-336,6
Экология солиғи	2368,1	2564,5	108,3	196,4
Иж. инфратузи. ривож. солиғи	1949,7	1973,7	101,2	24,0
Дехқон бозорларидан йиғим	365,6	369,3	101,0	3,8
Ягона солиқ	3432,8	3579,6	104,3	146,8
Жислар шахсларга транспорт воситаларидан фойдаланганлик учун солиқ	905,5	796,8	88,0	-108,8
Маҳаллий солиқлар, йиғимлар	494,9	434,0	87,7	-60,9
Бошқа ҳар хил солиқсиз тушумлар	92,2	355,6	385,9	263,5
Даромадлар жами	80707,8	80967,3	100,3	259,5

Юқоридаги жадвалда 2011 йилда Пайарик туман маҳаллий бюджети даромадларининг тузилиши акс эттирилган. Ушбу жадвалда вилоят маҳаллий бюджети жами даромадлари 80707,8 млн. сўм миқдорида қилиб

⁸ Самарқанд вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

режалаштирилганлигини кўришимиз мумкин. Ҳақиқатдаги бажарилиши 80967,3 млн. сўм миқдорда бўлиб, 100,3 фоизни ташкил қилган.

Умуман олганда, маҳаллий бюджет ресурсларини ташкил этишда унга хизмат қилувчи манбалар, уларни бошқариш бюджет ресурсларидан жойларда самарали фойдаланиш имкониятини яратиб берди.

III Боб. Ғазначилик тизими барқарорлигини таъминлашда давлат молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятлари

3.1. Бюджет ресурсларини ташкил этишда ғазна ижросининг таъсири

Давлат бюджетининг ғазна ижроси механизмлари амал қилаётган ҳозирги кунда тизимни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Дастлаб бюджетнинг харажатлар қисмига нисбатан ғазна ижроси босқичма-босқич тадбиқ этилган бўлса, эндиликда бюджетнинг даромад қисмига нисбатан ғазна ижроси босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилган. Давлат бюджети даромадлар тушуми ҳозирги пайтда банк тизими томонидан солиқ органларининг транзит ҳисобрақамларида тўпланиб, молия вазирлигининг даромадлар ҳисобрақамига ва маҳаллий бюджетлар учун очилган ҳисобрақамларга ўтказиб берилиши орқали таъминланиб келинмоқда. Бозор иқтисодий шароитида бу механизмда бир қатор камчиликлар юзага келмоқда. Жумладан:

- бюджет даромадлари тўғрисидаги ахборотлар етарли даражада оператив (тезкор) эмаслиги;
- даромадлар банк ҳисобрақамларига тушиши ва бюджет ҳисобрақамларида акс эттирилишида узилишлар мавжудлиги боис, бюджет ресурсларини бошқаришнинг сустлиги;
- солиқли даромадларнинг бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиш жараёнларини самарали тартибга солиш ва даромадлар тушумини жадаллаштириш зарурлиги;
- тўпланаётган маблағларнинг корхона ва ташкилотлар бўйича алоҳида ҳисоботи ва таҳлили юритилмаётганлиги;
- маблағларни бюджетга ўтказиш билан боғлиқ операциялар секин амалга оширилаётганлиги;


- давлат бюджетига даромад тушумлари вақтида келиб тушмаслиги натижасида бюджет ижроси тизимида турли мутаносиблик ва касса узилишлари содир бўлаётганлиги ва бошқалар.

Ўзбекистонда миллий ғазначилик тизимини яратиш ишлари кенг кўламда бошланганлигига қарамасдан, шу кунгача автоматлаштирилган ахборот тизими шароитида солиқлар ва бюджет тушумларини ғазначилик тизими орқали ҳисобга олиш ва тақсимлашнинг тадбиқ этиш услуб ва услубияти масалалари деярли эътибордан четда қолаётганлигини таъкидлаш лозим. Давлат бюджетининг ғазна ижроси касса ягоналиги тамойилига асосланади. Касса ягоналиги тамойили давлат бюджети барча даромадларини ягона ғазна ҳисобварағига киритишда, шунингдек, давлат бюджети харажатларини шу ҳисобварағдан тўлашда намоён бўлади.

Ривожланган давлатларда бюджет даромадларини касса ягоналиги тамойилига асосланган ҳолда, ягона ҳисобварағда йиғиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида ягона ғазна ҳисобварағи (ЯҒХ)га ўтилган. Ягона ғазна ҳисобварағи Ўзбекистон ғазначилик тизимида қўллаш жараёнларининг мураккаблигига ҳисобга олган ҳолда, уни босқичма-босқич жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Республикамизда давлат бюджети бўйича ғазна ижросини ғазначиликнинг ягона ғазна ҳисобварағи орқали таъминлайдиган механизмига ўтиш босқичларини қуйидаги чизмада кўриб мумкин.

1-чизмадан кўришимиз мумкинки, республикамиз ғазначилик тизими амалиётида Молия вазирлигининг “Республика бюджети маблағлари” асосий ҳисобрақами (Республика бюджети даромадлар ижроси) ва Молия вазирлиги Ғазначилиги (Республика Ғазначилиги)нинг “Республика ғазна ҳисобварағи” (Республика бюджети харажатлар ижроси) ҳамда ҳудудий ғазначилик органларининг “Ҳудудий ғазна ҳисобварақлари” (маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари ижроси) орқали давлат бюджети ижроси таъминламоқда. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, ғазначилик тизими шароитидаги ҳозирги амалиётда ҳам банк тизими орқали бюджет

даромадлари бўйича солиқларни қонунчиликда белгиланган меъёрлар асосида республика бюджети ва маҳаллий бюджетларга ажратмалар тақсимланиши сақланмоқда.




Изоҳ: 1 – умумдават солиқлари; 2 – маҳаллий солиқ ва йиғимлар; 3 – умумдават солиқларидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрлар асосида маҳаллий бюджетларга ажратмалар; 4 – умумдават солиқларидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган меъёрлар асосида республика бюджетига ажратмалар; 5 – Молия вазирлиги тармоқ бошқармаларини тайинлаш сертификатлари асосида маблағлар ўтказиш; 6 – республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга бериладиган субвенция, дотация, бюджет ссудаси ва ўзаро ҳисоб-китоблар; 7 – харажатлар тўлови.

1-чизма. Ғазначилик тизими шароитида давлат бюджети ресурслари ижросининг амалдаги механизми⁹

Ғазначилик тизими шароитида давлат бюджети даромадлари ижросининг истиқболдаги механизмида тижорат банклари солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни маҳаллий бюджет ҳисобварақлари ("Худудий ғазна ҳисобварақлари")га кирим қилади. Худудий ғазначилик органлари эса, солиқларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат

⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 4 августдаги 69-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари" асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

бюджети ва маҳаллий бюджетга тақсимланишини амалга оширади ва кунлик ҳисобини юритади.



Изоҳ: 1 – умумдават ва маҳаллий солиқлар, йиғимлар; 2 – харажатлар тўлови; 3 – бюджетга ортиқча тўланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни қайтариши.

- - - - ягона ғазна ҳисобварағига келиб тушган солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларнинг Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети, шаҳар ва туман маҳаллий бюджетларининг шартли ҳисобрақамларида ҳисобга олиниши.

-.-.- бюджетга ортиқча тўланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг қайтарилиши

2-чизма. Ягона ҳисобварағига асосланган Давлат бюджети ресурслар даромадлари ғазна ижросининг истиқболдаги механизми

Давлат бюджет даромадлари ғазна ижросининг истиқболдаги механизмини 2-чизмада кўриш мумкин. Истиқболда ушбу механизмни жорий этиш учун “Республика ғазна ҳисобварағи” ва “Ҳудудий ғазна ҳисобварақлари”ни автоматлаштирилган ахборот тизими орқали

бирлаштириш натижасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг Ягона ғазна ҳисобварағини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бунда жараёнлар вақт бирлиги режимида (on-line) амалга оширилади. Ғазна ижросида давлат бюджет даромадлари бўйича барча тушумлари тижорат банклари томонидан ғазначиликнинг Ягона ғазна ҳисобварағи (ЯҒХ)га кирим қилинади ва ғазначиликдаги ундаги маблағлар кирими ва чиқими республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисоби шартли ҳисобварақларида юритилади.

Бу эса, ўз навбатида, ғазначиликни, солиқ, божхона органлари, банклар бюджет маблағларини тақсимловчилар ва олувчилар, яъни бюджет ва солиқ жараёнлари барча субъектларининг ахборот ва ҳуқуқий ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилиш масаласини сифат жиҳатидан анча юқори даражада ҳал қилишни ва автоматлаштирилган ахборот тизимини ҳам халқаро стандартларга мос равишда такомиллаштиришни тақозо этади.

3.2. Давлат молиявий ресурсларидан фойдаланишда ривожланган мамлакатлар ғазначилик моделлари

Миллий ғазначилик тизимининг асосий вазифаларидан бири давлат молиявий ресурсларидан фойдаданиш самарадорлигини оширишдир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат молияси таркибкта кировчи, "ғазначилик" деб аталувчи орган ўзига юклатилган функциядан келиб чиқиб, турли мажбуриятларни бажаради. Ғазначиликнинг тузилиши ва вазифалари мамлакатнинг тарихий ва маданий урф-одатларидан, шунингдек, иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб белгиланади.

Ғазначилик айрим мамлакатларда пассив аҳамиятга эга. У фақат тасдиқланган бюджет маблағларини ажратиш билан шуғулланса, мажбуриятлар лимитини белгилаш ва харажатлар тўловини амалга оширса ёки олдиндан белгиланган мезонлар асосида алоҳида харажатларни ишлаб чиқишга рухсат берсагина, фаол аҳамиятга эга. Ғазначилик давлат

карзларини бошқаришнинг турли даражаларида иштирок этади, ва ниҳоят, ҳисоб функцияси бажарилишига ҳам жавоб бериши мумкин. Давлат молиясини бошқаришнинг ва ғазначилик ташкилий тузилишининг ягона модели мавжуд эмас. Унинг бўлимлари, бошқармалари ва аниқ функциялари турли мамлакатларда турлича.

Ғазначилик функцияси вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин. Унинг ташкилий тузилиши агарда АҚШда Молия вазирлиги департаменти, Францияда молия вазирлигининг бошқармаси, Англияда мустақил маҳдама, Австралияда эса вазирлик даражасидаги департамент кўринишига эга.

Юқорида кайд этилган мамлакатларнинг қарийб барчасида ғазначилик амалга оширилган харажатлари назоратини марказий банкда очилган ягона ҳисобрақдми орқали, яъни бош китоби тизими орқали назорат қилади. Бу мамлакатларда давлат тўловлари 5-жадвалда акс эттирилган тартибда амалга оширилади.

5-жадвал

Ривожланган мамлакатларнинг давлат тўловлари аналга ошириш услубияти

Мамлакатлар	Тавсифлар
Австралия	Молия вазирлиги тўловларни чеклар чиқариш ёки маблағларни ғазначиликнинг ягона ҳисобрақдми (ҒЯХ) - Австралия уюшмасининг давлат х.исобрақамидан чиқариш орқали амалга оширади.
Франция	Молия вазирлигининг давлат ҳисоб хизмати ҳудудий касса бошқармаларига тўловларни чек чиқариш ёки пул маблағларини ҒЯХдан кучириш орқали амалга оширади.
Германия	Худди Франция амалиётига ўхшайди, лекин маблағларни ўтказиш электрон шаклда амалга оширилади.
Япония	Тармоқ вазирликларининг назоратчилари тўловларни чеклар ёки Япония банкида очилган ҒЯХдан кўчириш орқали амалга оширади
Англия	Тармоқ вазирликлари тўловларни чеклар ёки ҒЯХдан кучириш орқали (Англия банкидаги бош ғазна ҳисобрақами орқали) амалга оширади.
АҚШ	АҚШ Ғазначилиги тўловларни чеклар чиқариш ёки маблағларни ҒЯХи - Нью-Йорк федерал захира банкнинг ғазна ҳисобрақами орқали амалга оширади.

5-жадвал маълумотлардан кўришимиз мумкинки, қайд этилган мамлакатларнинг барчасида тўловлар назорати ғазначиликнинг ягона ҳисобрақами орқали амалга оширилади. Бу ҳисобрақамнинг аниқ кўриниши турли мамлакатларда турлича.

Юқорида келтирилган мамлакатлар ҒЯҲ тузилиши 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Ривожланган мамлакатлар ғазначилигининг ягона ғазна ҳисобрақами тузилиши

Мамлакатлар	ҒЯҲ тузилиши
Австралия	Ягона ҳисобрақам
Франция	Ягона ҳисобрақам, ҳудудий ҳисобрақам
Германия	Ягона ҳисобрақам, ҳудудий ҳисобрақам
Япония	Ягона ҳисобрақам. У бир вақтнинг узида давлат бошқаруви органлари билан боғлиқ бўлган молия муассасаларига хизмат кўрсатади
Англия	Ягона ҳисобрақам
АҚШ	Ягона ҳисобрақам, тижорат банкларидаги ғазначилик, солиқ ва ссуда ҳисобрақамлари

2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Франция ва Германияда ҒЯҲи ҳудудий касса бошқармалари ҳисобрақамини ўз ичига олади, Япония ҒЯҲи Япония банкининг ҳисобрақамини қамраб олади.

Англияда тармоқ вазирликлари бош ғазначиликнинг ҳисобрақамидаги маблағдан тула ҳажмда фойдалана олади, аммо жамланма даромад фондидан бу ҳисобрақамларга маблағларни кучириш, жамланма ҳар кунлик баланс ва уларнинг ҳисоби ғазначилик назорати остида бўлади.

Англияда АҚШ каби солиқ-бюджет соҳасидаги асосий жавобгарлик тўғридан-тўғри ғазначиликка юклатилган. Германиадан ташқари бошқа барча мамлакатларда бюджет муассасалари ўз ҳисобини юритади, аммо уларнинг тизими тулик марказий ҳисоб тизимига бирлаштирилган, бу тизим Молия вазирлиги томонидан бошқарилади. Мамлакатда Молия вазирлиги барча

бюджет муассасаларига ҳисоб юритиш борасида тулик хизмат кўрсатади. Бу хизмат тўловларни амалга оширишнинг барча босқичларини ўз ичига олади. Япония банки ҳукумат учун паралел равишда бюджет-солиқ соҳасидаги барча ҳисоб-китобларни юритади, шунингдек, Молия вазирлиги умумий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини бошқариш ва тартибга солиш бўйича жавобгар. Бу борада Япония дунёда ягона давлат ҳисобланади.

Кўриб чиқиладиган мамлакатлар ғазначилигининг институционал асосларини ўрганишдан олдин уларда қандай структура бюджет масалаларига жавоб беришини ва бюджет ижросини ким назорат қилишини аниқлаб олишимиз лозим. Бу борада Англиянинг амалдаги модели эътиборни тортади. Мамлакатда ғазначилик бюджет масалаларининг барча жиҳатларига жавоб беради, кадрлар масалалари билан шуғулланади, бюджет ижроси бўйича назоратни ташкил этиш, шунингдек, мавжуд ресурслар бошқаруви жараёнини ҳам ўз ичига олади.

Ривожланган мамлакатлар ғазначилик тизимини ташкил этиш алоҳида хусусиятларга эга. Масалан, АҚШда Ғазначилик департамент кўринишида Молия вазирлиги таркибига киради, тўғридан-тўғри президентга буйсунади ва кенг куламда иқтисодий ва молиявий функцияларни бажаради. Ҳисоб ва аудит функцияларининг бажарилишига маъмурий-бюджет ва бош бюджет-назорат бошқармалари жавоб беради. Солиқ ва божхона бошқармалари ғазначиликнинг бир бўлаги ҳисобланади.

АҚШда ғазначилик бошқа ижроия ҳокимият органлари билан биргаликда давлатнинг иқтисодий ва бюджет сиёсатига жавоб беради. Бўларга бюджетни бошқариш масалалари бўйича котибият (асосан Президентга бюджет таклифларини ишлаб чиқади), персоналии бошқариш масалалари бўйича котибият (штатлар комплектация билан шуғулланади) ва иқтисодий маслаҳатчилар кенгаши (иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшади) киради. Шунга асосан конгресс белгиланган бюджет тушумлари ва харажатлари ҳажми бўйича қарор қабул қилиш, унинг кумиталари тушумлар ва ассигнованиялар ҳажми бўйича таклифлар бериш ҳуқуқига эга.

Англияда ғазначилик умумий сиёсат ва қарзлар бошқарувини амалга оширади, бош ғазначи маҳкамаси ҳисобрақамларни рўйхатга олиш ва уларни қайта ишлаш функциясини бажаради.

Британия ғазначилиги қарийб бутун иқтисодий сиёсат ва бюджет бошқаруви назоратини амалга оширади, фақатгина истисно сифатида тафтиш ишларини Миллий тафтиш бошқармаси амалга оширади. Миллий тафтиш бошқармаси тўғридан-тўғри парламентга бўйсунди.

Францияда ғазначилик функцияси Ғазначилик, Молия вазирлиги, давлат ҳисобининг бош дирекцияси ва бюджет вазирлиги уртасида тақсимланган. Молия вазирлиги бир нечта бошқармалардан ташкил топган, улардан бири ғазначилик бошқармасидир. Молиявий ресурслар устидан бундай назорат тизими марказлаштиришнинг юқори даражаси билан тавсифланади, шунингдек, Молия вазирлиги маблағ олувчи барча вазирликларда ва муниципалитетларда ўз инспектрларига эга, шу билан бирга барча унга давлат харажатлари бўйича тафтиш ўтказиш жавобгарлиги юклатилган.

Германияда ҳукуматнинг федерал структурасини намоён қилувчи марказлаштирилган тизим мавжуд. Мамлакат Молия вазирлиги бюджет тушумлари ва харажатлари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олган. У, шунингдек, федерал ҳукумат харажатлари дастурлари назоратини олиб боради.

Молия вазирлиги, шунингдек, Иқтисодиёт вазирлиги билан бирга иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш учун ҳам жавобгар.

Японияда ғазначилик функцияси Молия вазирлигининг ғазначилик бўлими, бошқарув бўлими, молия бошқармасининг молия бўлими ва бюджет бўлими, бюджет ижроси бўлими, бюджет бошқармасининг юридик бўлими уртасида тақсимланган¹⁰.

Италияда учта алоҳида вазирлик мавжуд. Улар иқтисодий ва молиявий сиёсатга, хусусан, Молия вазирлиги солиқ сиёсати ва уни бошқаришга жавоб беради; Молиявий режалаштириш ва бюджет вазирлиги, Бюджет ижроси

¹⁰ Бессонов В.В. Опыт организации казначейского исполнения бюджета в зарубежных странах // Финансы и кредит. 2005, №31. С.77-83

вазирлиги ва молия бошқармаси билан биргаликда макроиқтисодий режалаштириш ва бюджетни тайёрлаш масалалари билан шуғулланади¹¹.

Англияда бош ғазначи маҳкамаси тўлов топширикномаларини ва жамланма фонддан тўловларни қайта ишлайди.

Францияда ғазначилик марказий банкдаги давлат ҳисобрақами бўйича тушумлар ва тўловларни назорат қилади. Давлат ҳисобининг бош дирекцияси алоҳида тўловлар, йиғимлар бўйича тушумлар ва божхона тўловларига жавобгар ҳисобланади.

Австралияда ғазначилик давлат қарзи билан боғлиқ бўлган йиғимлар бўйича тушумлар ва тўловларни назорат қилади. Бюджет ижроси билан боғлиқ тулонлар назоратини Молия вазирлигининг Молия департаменти амалга оширади.

Японияда Япония банкидаги давлат ҳисобрақамига тушумлар ва тўловлар назорати Молия вазирлиги ғазначилик бўлимининг молия бошқармаси ва бюджет ижроси назорати бюджет бошқармаси томонидан олиб борилади.

Молиявий режалаштириш - асосан ғазначилик ҳисобрақамига тушумлар ва давлат харажатларини тулаш учун ресурсларга бўлган талаб прогнозини амалга оширади.

АҚШда молиявий режа 4-6 ойга ҳар кунлик тақсимот ва ҳар ойлик янгилаб туриш шарти билан тузилади, Франция ва Австралияда оралик вақт ойлик ва чорак (квартал)лик тақсимот билан тузилади. Англияда молиявий режа ойлик режалар, Японияда сирпанувчи молиявий режа кунлик тақсимот асосида ишлаб чиқилади. Молиявий харажатлар режаси АҚШ, Англия ва Францияда ғазначилик, Японияда Молия вазирлиги ғазначилик бўлимининг молия бошқармаси, Австралияда молия департаменти томонидан ишлаб чиқилади.

Ўрганилган давлатларнинг барчасида молиявий активларни бошқариш сиёсати тармоқ департаментлари ва вазирликлари томонидан амалга оширилади. Уларда бюджет ижроси қуйидагиларни назарда тутди:

- солиқлар ва бошқа тушумларни йиғишни;

¹¹ <http://www.bud-inform.com.ua>

- банк билан ўзаро алоқани (тушумларни банк орқали йиғишда);
- даромад тушумлари назоратини;
- турли даражадаги давлат бошқарув органлари уртасида тушумларни

тақсимлашни.

АҚШ ва Австралияда давлат бюджети даромади ижросида ғазначилик фаол роль уйнайди. У узининг солиқ ва божхона бошқармалари орқали банк тизими билан ўзаро алоқада бўлиб, барча солиқ ва божхона божларни йиғишга жавоб беради.

Ғазначилик Австралияда солиқ бошқармаси солиқлар тўловлари бўйича тушумларни таъминлайди Англия ва Францияда ғазначилик солиқлар ва божхона тўловларини йиғишда иштирок этмайди. У фақатгина жамланма фондга ва ғазначиликнинг ягона ҳисобрақамига келиб тушган жами тушумларни кузатади.

Бюджетнинг харажат бўйича ижросида АҚШ, Австралия ва Англия ғазначилиги пассив роль уйнайди. Бунда бюджет ассигнованиялари доирасида тўловларни ва назоратни тармоқ департаментлари амалга оширади. Францияда бюджетнинг харажат қисми бўйича назоратни бюджет директорати олиб боради. Фикримизча, бюджетнинг жорий ҳолатида, агар харажатлар худди мажбуриятлар ва тўлов топшириқномаларини қабул қилиш, тўловларни амалга ошириш босқичларидагидек каттик назорат қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ғазначиликни структура сифатида бюджет ижроси билан боғлиқ ҳолда қуриб чиқишда қуйидагиларни таъкидлаш керак: ғазначилик бюджет ижроси билан боғлиқ масалаларга тўғридан-тўғри аралашмаслиги, у фақатгина бюджет муассасаларига дастурларни амалга ошириш учун маблағ ажратиши ёки бўлмаса бюджет ижроси жараёнида анча фаол иштирок этиши мумкин. Масалан, у мажбуриятлар чегараларини урнатишга ва харажатлар тўловини ёки олдиндан белгиланган мезон асосида аниқ харажатларни ишлаб чиқишга рухсат бериш ҳуқуқига эга.

Ғазначиликка молиявий бошқарув бўйича асосий мажбуриятлар юклатилган. Маблағларни бошқариш унинг муҳим ва асосий фаолияти

хисобланади. У ҳукуматнинг ҳисобрақамига барча тушумлар ва тўловларни. шунингдек, тушумларни йиғиш жараёнидаги операцион фаолиятни ва тўловларни амалга ошириш жараёни назоратини таъминлайди. АҚШ ва Англияда ғазначилик бухгалтерия ҳисоби методикасини урнатади, умумий ҳисоб, муассасаларга йўриқнома, ойлик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тайерлаш учун жавоб беради. Куриб чиқилган давлатларнинг барчасида ғазначилик ички назорат ва аудит билан шуғулланмайди.

Саноати ривожланган мамлакатлар (АҚШ. Англия, Франция, Германия ва бошқалар) ғазначилик тизими таҳлили шуни кўрсатадики, ҒЯҲни Марказий банкда очиш ғазначиликни ташкил этишнинг асосий талабларидан биридир. Миллий банкда ҒЯҲдан фойдаланиш давлатнинг буш тўрган маблағларини бир жойга йиғиш, улардан самарали фойдаланиш, нақд пул оқимларини бошқариш ва касса тўловларини вақтида ҳеч қандай мажбуриятлар жалб килмасдан амалга ошириш имконини беради.

Хорижий мамлакатлар ғазначилик тажрибаларини мамлакатимизда қўллаш, масалан, пул маблағларини бошқаришда АҚШ ва Англия, бюджетнинг даромад бўйича ижросида АҚШ ва Австралия, бухгалтерия ҳисобини юритишда АҚШ ва Англия, давлат қарзларини ва молиявий активларини бошқаришда, назорат функциясини амалга оширишда АҚШ тажрибасидан кенг фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Умуман олганда, ғазначиликнинг «америка модели» давлат пул маблағларини, давлат қарзларини, молиявий активларини бошқаришда, бюджетни ижро этишда, назорат функциясини амалга оширишда анча кенг ваколатга эга. АҚШ моделини ўрганиб, ғазначиликнинг «ўзбек модели»ни яратиш ва буни узок муддатли дастур сифатида қабул қилиш лозим.

Франция ғазначилиги таркибида ташқи инвестициялар билан ишлаш бўлими мавжуд. Чет эл корхоналари Франция ҳудудида рўйхатдан ўтиш учун айнан шу бўлимга суровнома жунатади. Айнан ғазначилик чет эл корхоналарини рўйхатдан ўтказиш мақсадга мувофиқлиги бўйича қарор қабул

килади. Бунда у мамлакатнинг иқтисодий ҳолатини ва ижтимоий омилларини инобатга олади.

АҚШ ғазначилик органларига анча кенг ваҳолатлар берилган. Улар замонавий технологиялар ва электрон ҳужжатлар алмашинуvidан фойдаланиб, давлат қарзларини қоплаш учун аҳоли билан тўғридан-тўғри қарз муносабатларига утадилар.

Хулоса қилиб айтadиган бўлсак, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қучли бюджет бошқарувини ва ғазначилик тизимини самарали ташкил этишда хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ва уларнинг маъқулларини жорий этиш бюджет ислохотларининг муҳим булагига ҳисобланади.

3.3. Давлат молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишда ғазна сиёсати ролини ошириш имкониятлари

Ғазна сиёсати ўз-ўзидан эмас, энг аввало, бюджет ижросини таъминлаш орқали амалга оширилади ёки ҳаётга тадбиқ этилади.

Турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини ифодаладиган, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни мақсадли ниҳоясига етказиш ва назоратини амалга ошириш ғазначилик органлари томонидан таъминланиб келинмоқда. Қўпчилик ҳолларда соддароқ тарзда ғазна тизими дейилганда мамлакатдаги мавжуд бюджет маблағларини истеъмол қилинишини касса ижроси тушунилади.

Ғазна тизими мамлакат бюджет тузилишининг таркибий қисми бўлиб, унинг маълум бир қисмини ўзида ифода этади. Шу маънода, ғазна тизими бюджетнинг ўзаро боғлиқликда бўлган бўғинларининг ўзаро йиғиндисидан иборатдир. Ғазна тизими жамиятнинг сиёсий тузилишига (қурилишига), давлатнинг иқтисодий тизимига ва унинг маъмурий-ҳудудий бўлинишига бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизнинг ғазна тизими маълум бир принципларга таяниши зарур. Биз бундай принципларнинг таркибига қуйидагиларни киритилишини муҳим деб топдик:

- ғазна тизимининг ягоналиги;
- ғазна тизимининг даражаси бюджет харажатлари доирасида чегараланганлиги;
- ғазначиликнинг мустақиллиги;
- давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджетлари, харажатларининг тўлиқ акс этиши;
- бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва тежамлилигини таъминлаш;
- ошкоралик;
- бюджет маблағларининг манзиллилиги ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш.

Ғазна тизимининг ягоналиги принципи ҳуқуқий базалар, пул тизими, бюджет ҳужжатлари шакллари, бюджет жараёни принциплари, бюджет қонунчилигини бузганлик учун санкцияларнинг ягоналиги, мамлакат бюджет тизими барча даражалари бюджетлари харажатларини молиялаштириш ва бюджет маблағлари бухгалтерия ҳисобини юргизиш тартибининг ягоналиги билан белгиланиши керак.

Ғазна тизимининг даражаси бюджет харажатлари доирасида чегараланганлиги принципи тегишли харажатларни амалга ошириш бўйича ваколатларни мамлакатнинг ҳокимият органлари, мамлакат субъектларининг ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига бириктирилганлигини кўзда тутиши лозим.

Ғазначиликнинг мустақиллиги принципи қонунчилик ва давлат ҳокимиятининг ижроия органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг мамлакат бюджет тизимининг тегишли даражалари бюджет жараёни мустақил амалга ошириш борасидаги ҳуқуқларни амал қилишини билдиради. Бу принципнинг амал қилиши қонунчиликка мувофиқ мамлакат

ғазна тизимининг ҳар бир даражасида қонунчиликка мувофиқ равишда тегишли бюджетларнинг харажатларини шакллантириш бўйича ваколатларни, давлат ҳокимият органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунчиликка мувофиқ равишда тегишли бюджетлар харажатларнинг сарфланиш йўналишларини мустақил аниқлаш ҳуқуқини, бюджет тўғрисидаги қонунларни ижро этиш жараёнида вужудге келадиган ҳолатларни тақозо этади.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджетлари, харажатларининг тўлиқ акс этиши, солиқ ҳамда бу борадаги қонунларга мувофиқ белгиланган бошқа мажбурий тушумларни тўлиқ ҳажмда ўз аксини топиши керак. Барча умумдавлат ва маҳаллий харажатлар мамлакат бюджет тизимида ўз аксини топган бюджетлари ва давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Солиқ кредитлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича кечиктиришлар ва муддатларнинг ўзгартирилиши бюджетлар ва давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларининг бюджетлари харажатлари бўйича тўлиқ равишда алоҳида ҳисобга олинади.

Бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва тежамлилигини таъминлаш принципининг маъно-мазмунини шундан иборатки, унга мувофиқ равишда ваколатли органлар ва бюджет маблағларини олувчилар сметасини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашда, аввало, кўзда тутилган мақсадларга эришишда маблағларнинг кўпроқ ҳажмидан ёки маълум бир ҳажмдаги маблағлардан фойдаланган ҳолда юқори натижага эришиш зарурлигидан келиб чиқиши керак.

Бюджет харажатларини қоплашнинг умумийлигини таъминлаш принципи унинг барча харажатлари шу бюджетнинг барча даромадлари умумий суммаси ва унинг дефицитини молиялаштириш манбалари ҳисобидан тушган тушумлардан қопланиши кераклигини англатади. Бюджет дефицитини молиялаштиришнинг манбаларидан тушумлар бюджетнинг маълум харажатлари билан боғланган бўлиши мумкин эмас.

Бюджет тизимида ошкоралигини таъминлаш принципи очик матбуотда тасдиқланган бюджет ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларнинг албатта эълон қилинишини, бюджет ғазна касса ижроси жараёнида маълумотларнинг тўлиқ ва тўғри берилишини, давлат ҳокимияти қонунчилик органлари ва маҳаллий ўзини ўзини бошқариш органларининг қарорларига оид бошқа маълумотларни олиш имконияти яратилгани, бюджет лойиҳаси бўйича қарорларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш тартибларининг (жумладан, давлат ҳокимияти қонунчилик органи ичида ёки давлат ҳокимияти қонунчилик ва ижроия органлари ўртасидаги қарама-қаршиликларни ифодаловчи масалалар бўйича ҳам) жамият ва оммавий ахборот воситалари учун албатта очик бўлишини кўзда тутди.

Махфий моддаларни тасдиқлаш, одатда, фақат республика бюджети таркибида амалга оширилади.

Бюджетнинг ҳаққонийлигини таъминлаш принципи тегишли ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиши башорат кўрсаткичларининг ишончли ҳамда бюджет даромадлари ва харажатлари ҳисоб-китобларининг ҳаққоний бўлиши кераклигини тақозо этади.

Бюджет маблағларининг манзиллилиги ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш принципи бюджет маблағларини конкрет олувчилар ихтиёрига уларнинг аниқ мақсадларини молиялаштирилиши олдиндан белгиланган ҳолда бўлиб берилишини назарда тутди. Бюджетда кўзда тутилган маблағлар манзиллигини ёки йўналишини кўзда тутилмаган мақсадларга ўзгартириш борасидаги ҳар қандай хатти-ҳаракат мамлакат бюджет қонунчилигини бузиш ҳисобланади.

Ғазна касса ижро сиёсатининг муваффақиятига, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, бюджет тузилмаси ва бюджет классификацияси бевосита таъсир кўрсатади. Давлат бюджети молия ресурсларини ташкил этиш билан боғлиқ муносабатлар мажмуига (унинг ички бўлинмалари таркиби ва тузилмаси, улардан фойдаланиш соҳаларининг функционал чекланганлиги,

ўзаро бўйсунувчанлиги, ўзаро алоқадорлиги ва таъсирчанлиги ҳамда ҳуқуқий томонларини инобатга олган ҳолда) бюджет касса ижроси дейилади.

Давлат бюджети ресурслари ўз манбалари, маълум мақсадларга мўлжалланганлиги ва бошқа белгиларига кўра хилма-хилдир. Бир вақтнинг ўзида улар умумий белгиларига ҳам эга. Бутун мамлакат миқёсида бюджет харажатларининг тўғри режалаштирилиши ва ҳисобга олинишини таъминлаш учун улар классификация қилинади.

Давлат ғазна тузилмасига кирувчи бюджетлар харажатлари, шунингдек, бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳларга ажратишда ёки гуруҳлашда бюджет классификацияси муҳим рол ўйнайди. Унда давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини ягона бир тизимга келтириш учун фойдаланилади ва бюджет классификацияси бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари билан таққосланишини таъминлайди. Шу маънода, маълум бир тизимга келтирилган ва ўрнатилган тартибда код (шифр)лаштирилган бюджет харажатларининг бир хил белгилари бўйича илмий асосланган иқтисодий гуруҳланишига бюджет ғазна классификацияси дейилади.

Одатда, бюджет ғазна классификациясининг асосида бюджет ресурслари бўйича маблағларнинг мақсадли сарфланиш йўналишлари ётади.

Ғазна классификацияси ўзининг кенг йўналиши билан ажралиб туради. Унинг бўлинмаларига қатъий риоя этган ҳолда бюджет режалаштирилиши амалга оширилади. Ғазна ташкилотларининг индивидуал ва умумий ҳамда йиғма тармоқ сметалари тузилади, маҳаллий, республика ва давлат бюджетининг ишлаб чиқилиши амалга оширилади.

Бюджетнинг мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режалари, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг юқори ташкилотлари молиявий режалари билан боғлиқлигини таъминлашда, бир турдаги бюджет ташкилотларининг харажатлари ва алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликларнинг бюджетларини таққослашда, ижтимоий-маданий

характердаги у ёки бу эҳтиёжларнинг қондирилиш даражасини аниқлашда бюджет классификацияси муҳим рол ўйнайди.

Бюджет касса ижроси жараёнида ҳам бюджет классификацияси алоҳида аҳамиятга эга. Тасдиқланган бюджет ва бюджет ташкилотлари харажатлар сметасида кўзда тутилган тадбирларнинг мақсадли молиялаштирилишини таъминлашда у зарурий шарт бўлиб ҳисобланади. Бюджет классификацияси молия органларида, бюджет ташкилотларида ва бошқа муассасаларда бюджет харажатларининг синтетик ва аналитик ҳисоби ягоналигининг асосини ташкил этади. У Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш учун зарурдир.

Бюджет классификацияси ташкилий аҳамиятга эга, бу унинг бўлинмаларига мувофиқ равишда бюджетни тузиш ва ижросини таъминлаш борасида катта ишларнинг амалга оширилиши орқали намоён бўлади. Бу яна шу нарса орқали ифодаланадики, бюджет тасдиқланганидан сўнг барча хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг юқори органлари бюджет даромадлари тушумининг тўлиқлигини таъминлашга ва тасдиқланган бюджетдаги классификациянинг бўлинмаларига мувофиқ равишда харажатларни амалга оширишга мажбурдирлар. Демак, бюджет классификациясининг ташкилий аҳамияти бюджетни режалаштириш ва унинг касса ижросини таъминлашга бир хилда тегишлидир.

Тасдиқланган давлат бюджети қонун кучига эга бўлганлиги ва унинг кўрсаткичларини барча хўжалик юритувчи субъектлар аниқ ва тўлиқ бажаришга мажбур бўлганлиги учун ғазна классификацияси ҳуқуқий аҳамият ҳам касб этади.

Бюджет классификацияси ўз ичига қуйидагиларни олади:

- давлат бюджети даромадлари классификацияси;
- давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий классификацияси;
- давлат бюджети дефицитини молиялаштириш манбалари классификацияси.

Давлат бюджети касса ижроси энг аввало бюджет ресурслари вазифа жихатидан классификацияси давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимият органлари, шунингдек, бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган вазифалар бўйича харажатларни гуруҳлашдан ташкил топади. Уларнинг ташкилий классификацияси бюджетдан ажратиладиган маблағлар, уларнинг бевосита олувчилар ўртасида тақсимланишини акс эттирувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбирлар турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборатдир. Умумий тарзда бу ерда харажатлар бюджет классификациясига мувофиқ равишда гуруҳларга, бўлинмаларга, бобларга, параграфларга ва моддаларга бўлиниши мумкин. Гуруҳлар – бюджет маблағларининг асосий йўналишларини, бўлинмалар – миллий иқтисодиёт тармоқларини, боблар – вазирлик ва идоралар бўйича харажатларни, параграфлар – бир типдаги корхоналар ва тадбирлар бўйича сарфларни, моддалар – харажатларнинг алоҳида турларини кўрсатади.

Давлат бюджети дефицитини молиялаштириш манбалари классификацияси дефицитни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади.

Бюджет касса ижроси классификацияси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланган тартибда амал қилиши муҳимдир.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунга қадар бюджет касса ижросини бюджет классификатори асосида ташкил этилмаган бўлса ҳам, амалдаги бюджет классификаторига таянилган ҳолда давлат бюджети касса ижроси таъминланиб келинмоқда.

IV Боб. Каттакўрғон туман Ғазначилик бўлинмасида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутди, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Жамият ва табиат асоси, уни ўз фаолияти билан ривожлантирувчи ва бошқарувчиси инсон эканлигини эътиборга олиб, унинг ҳаёт фаолиятини яхшилаш, эъзозлаш – тараққиёт йўлидаги муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан фуқароларимизнинг ҳаёт шароитини яхшилаш, уларни турли таъсирлардан сақлаш, ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳтиёт этиб, муҳофаза этиш асосий эзгу мақсад қилиб олинган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг жамиятда ишлаб чиқаришда, яшашида, фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлиши, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланиши, қуруш ва терроризм хуружидан ҳимояланиши, табиат ва одамзот қуюнлигини сақлаши, умуман олганда, инсоннинг шу заминдаги ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш тушунилади.

Она саёрамизда илк қадамларни кўйган ва тафаккур имконияти даражасига кўтарилган узоқ аجدодларимиз яшаш жойларида ўзларига хавф солиб турган йирқичлардан ҳам хавфли офатлар бўлишини тезда тушиниб етишган. Чунки, ўша даврларда ҳам зилзилалар, вулқонлар, тўфонлар, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар инсонларнинг ожиз ва сийрак кабилаларига сезиларли зарар етказиб турган.

Инсоният XXI асрга қадам кўяр экан, ўтган давр мобайнидаги совуқ урушлар, тинчлик даврларида қўлланилган замонавий қурооллар, турли кўринишдаги фалокатлар ва боша муаммоларни талил қилади ва янги аср бўсағасида бажариладиган тадбирларни ҳар томонлама асослаган ҳолда белгилаб олади.

XX аср поёнида ҳафсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммога айланиб қолди, чунки ишлаб чиқаришни юқори тараққий этган технологиялар билан таъминлаши, табиий ривожланишдаги айрим ноҳуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозаллиги ва иқтисодни барқарор ривожланишига хавф солиб турибди. Шунинг учун энг муҳим вазифалар Ўзбекистон аҳолиси ҳаёт фаолиятини ва ҳудудини турли хил вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни, айниқса фуқаро меҳнатини муҳофазасини таъминлаш ҳисобланади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтаавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган»лигини эътироф этганлар. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида Президентимиз ватанимизнинг яхлитлиги, аҳоли хавфсизлиги таҳдиди тўғрисида батафсил тўхтаб ўтганлар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қурооллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-иқтисодий зарурият

асосида шаклланимизда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва алокатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшашини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга еришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган қўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

4.2. Каттақўрғон туман Ғазначилик бўлинмаси ходимлари ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриктан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди.

Сўнгги вақтларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббий кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилаяпти, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли, умумий хас-таликлар ҳамда касб касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бироқ, қўлга киритилган катта ютуқларга қарамай, бозор муносабатларига ўтиш шароитларида, кичик корхоналар кўпаяётган бир пайтда (бу ерда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилмаслик ҳоллари рўй бермоқда) қишлоқ хўжалиги ва саноатда машғул бўлган ходимларга кўрсатаётган соғлиқни сақлаш ходимларига қўйилаётган талаблар пасайгани йўқ. Бу айниқса, ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш муаммосига тааллуқлидир, уларнинг нечоқлик сифатли ўтказилиши, умумий ва касб касалликларида профилактика чора-тадбирларини мақсадга мувофиқ йўналтирилган даражасига бўлиқ бўлади.

Умумий ва касб касалликларини, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида бу кўрикларнинг паст савияда ўтказилиши келгусида сурункали касалликларнинг тез-тез учраб туришининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишлаш унумдорлигининг пасайишига, иқтисодий куч-қувватларнинг сусайишига олиб боради, яъни салбий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон саноатида, қурилишда ва қишлоқ хўжалигида 3 млн. дан ортиқ одам ишлайди, улардан 1 млн. нохуш ва

зарарли меҳнат шароитларида, шу жумладан 200 минг аёл ишламоқда. Кўп корхоналарда асосий касб гуруҳларида зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари (шовқин, тебраниш, кимёвий бирикмалар ва ҳоказолар)га кўйиладиган рухсат этувчи гигиеник қоидаларнинг бузилишига йўл кўйилмоқда. Бу эса касбдан касалланишнинг асосий негизини кўп жихатдан ишга вақтинча қобилятсизликка алоқадор касалликларни келтириб чиқаради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи бир саноат корхоналарида меҳнат шароитлари ва касбдан касалланишнинг ҳақиқий аҳволи санитария-эпидемиология хизмати томонидан кўриладиган чораларнинг етарлича самарали бўлмаслигидан ва ходимларнинг касбдан касалланишини муҳофаза қилиш борасида ўз касб бурчини принципиал ва пухта бажармаслигидан далолат беради.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, зарарланган ҳудудларда, объектларда мўтадил ҳаёт фаолиятини яратиб бўлмайди. Бу ишларни давлат органлари орқали, фуқаро муҳофазаси бошчилигида бутун халқ ёрдамида амалга оширилади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)¹² кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш,

¹² Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, кутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, хавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усулларини меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Ҳозирги вақтда республикамиз ташкилот ва корхоналарида ёнғин хавфсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, корхоналарда ёнғин чиқиш хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари ишлатилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизатсиялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгрок қўлланилмоқда.

Лекин, ёнғин чиқишининг олдини олиш ва ўт ўчиришда асосий масъулият кишилар зиммасига тушишини ҳамда уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарқилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Ташкилот ва корхоналарда бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борқилиши шарт.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнғин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини оголантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, ҳал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Цех, лаборатория, бўлим, омборхона, устаконалардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ ҳўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

Ø Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

Ø саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

Ø Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

Ø ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

Ø корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

Ø ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

Ø ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

Ø ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда

технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жихатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ишчилар, хизматчилар ва мухандис-техник ходимларининг кўпчилиги жалб этилгандагина корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда ёнғинга қарши муваффақиятли кураш олиб бориш мумкин. Бунинг учун ҳар бир объектда ёнғин-техник комиссияси тузилади. Комиссияга бош мухандис, техник раҳбар ёки раҳбарнинг биринчи ўринбосари бошчилик қилади, уларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- Ø ёнғинни олдини олиш қоидаларининг бузилишларини ва ёнғин чиқишига олиб келувчи камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- Ø объектив ёнғиннинг олдини олиш тартибини ишлаб чиқиш ва уларни ўтказишда қатнашиш;

- Ø ишчи-хизматчилар ва мухандис-техник ходимлар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш тартиби ҳамда қоидалари бўйича оммавий тушунтириш ишини олиб бориш.

Бу вазифаларни бажариш учун ёнғин техник-комиссияси ишлаб чиқариш хоналари, электр жиҳозлари, шамолатиш, иситиш тизимлари ва шу кабиларни кўздан кечириб, қоида бузилишларини аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди; ишловчилар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш мавзуларида суҳбатлар, лекциялар ўтказди; ратационализаторлар ҳамда ихтирочилар учун мавзулар ишлаб чиқишда қатнашади; цехлар, бўлимлар, омборхоналар, лабораториялар ва ҳоказоларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишга кенг жамоатчиликни жалб этади.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши курашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик

корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момиқ юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Таҷрибаларнинг кўрсатишича корхона цехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуатсия қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуатсия қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакиллари жалб қилиш кўзда тутилади.

Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жиҳатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувиغا кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.3. Каттақўрғон туман Ғазначилик бўлинмасида фавқулодда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари

Фавқулодда вазият (ФВ)¹³ — маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир. Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- а) тасодифий ФВ — ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;
- б) шиддатли ФВ — ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;

¹³ Фавқулодда вазият кейингиларда-ФВ

в) мўтадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар ва бошқалар;

г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: кургоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гуруҳга бўлинади:

1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;

2 Маҳаллий ФВ;

3 Республика (миллий) ФВ;

4 Трансчегаравий (глобал).

Локал Фавқулодда вазият — бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият павдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Маҳаллий тавсифдаги Фавқулодда вазият — аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда — Фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортигини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган,

республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Бундай фалокат оқибатлари ҳар бир мамлакатнинг ички кучлари ва маблағи билан ҳамда халқаро ҳамжамият ташкилотлари маблағлари ҳисобига тугатилади. Масалан, Орол муаммоси нафақат Ўзбекистон давлати учун, балки унга чегарадош бўлган Туркманистон, Қозоғистон ва бошқа давлатлар учун ҳам фалокат келтирувчи вазиятдир. Шунинг учун охирги вақтда Орол муаммосини ҳал қилишга Ўзбекистон давлатининг куч ва маблағидан ташқари бутун жаҳон ҳамжамияти ташкилотлари (Экосан, Юнесейф ва бошқ.) маблағлари, кучларидан фойдаланилмоқда.

Фавқулодда вазиятлар тавсифига кўра (сабаби ва келиб чиқиш манбаига кўра):

1 Табиий тусдаги ФВ;

2 Техноген тусдаги ФВ;

3 Экологик тусдаги ФВларга бўлинади. Табиий тусдаги Фавқулодда вазиятларга 3 хил турдаги хавфли ходисалар киради:

1) геологик хавфли ходисалар: зилзилалар, ер кучишлари, тоғ ўпирилишлари ва бошқа хавфли геологик ходисалар;

2) гидрометеорологик хавфли ходисалар: сув тошқинлари, селлар, қор қўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала ва бошқа хавфли гидрометеорологик ходисалар;

3) Фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар: алоҳида хавфли инфекциялар (ўлат, вабо, сибир яраси ва ҳоказо), юқумли касалликлар, риккетсиалар эпидемик тошмали терлама, Брил касаллиги, зооноз инфекциялар — Сибир яраси, қутуриш, вирусли инфекциялар — СПИД;

Эпидемия — одамларнинг гуруҳ бўлиб юқумли касалланиши, уларнинг захарланиши (захарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий

заҳарланиш); эпизоотия — ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар — экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва аварияқидирув ишларини талаб қиладиган авиа ҳалокатлар;

Ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир кўрсатувчи заҳарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг заҳарланишига олиб келган темир йўл транспортдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, заҳарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва заҳарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очиқ нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теваракатроф табиий муҳитга таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария

— химоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

3) Ёнғин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар: Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, захарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, захарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидирув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг кўпорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЕС, ГРЭС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр тармоқларидаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектлардаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан кулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шоншшнч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жihatдан зарарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-ҳимоя ҳудуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юкори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл кўйиладиган кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-муҳитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган ҳудудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шоншилишч кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли кўчкилар — фойдали қазилмаларни қазиш чоғида ер

остиға ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металллар, нефт маҳсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиги учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа захарли химикатлар мавжудлиги.

2. Атмосфера (ҳаво мухити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

Ҳаво мухитининг қуйидаги ингредиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши:

— олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, қурум, чанг ва одамлар соғлигига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа зарарли моддалар;

— кенг кўламда кислотали ҳудудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

— радиациянинг юқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ-хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари;

Нефт маҳсулотлари, одамларнинг захарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металллар, ҳар хил захарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа зарарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши;

Биолар, муҳандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг эмирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг зарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

- а) ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ;
- б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

1. Зилзилалар, ер сурилиши;
2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;
3. Кимёвий хавфли объектларда авария ва фалокатлар (ўткир захарли моддаларнинг ажралиб чиқиши);
4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;
5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;
6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;
7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари — ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан аҳолини, ҳудудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

4.4. Каттақўрғон туман Ғазначилик бўлинмасида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан,

вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж

қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғрик қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз қийғизиш, шикастланган кишини захарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Биринчи медицина ёрдамини мумкин қадар эрта муддатларда кўрсатиш касаллик ва шикастнинг кейини қандай ўтиши ҳамда оқибати нима билан тугаши учун, баъзида эса ҳаётни қутқариб қолиш учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўп қон кетиб турганда, одам злектр токидан шикастланган, сувга чўккан пайтида, юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чиқмай қолган пайтда ва бир қанча бошқа ҳолларда биринчи медицина ёрдами дарҳол кўрсатилиши керак. Башарти талайгина одамлар бир йўла биринчи медицина ёрдами кўрсатилишига муҳтож бўлса, у ҳолда бундай ёрдам кўрсатишнинг муддатлари билан навбати белгиланади. Болаларга ва шу дамнинг ўзида ёрдам олмаса ўлиб қолиши мумкин бўлган шикастланганларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилади.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибни белгилаб олиш керак. Аввал шикастланган одамнинг ҳаётини қутқариб қолишга имкон берадиган ёки биринчи медицина ёрдмининг кейинги усуламалларини қўлланиш учун ба-жарилиши шарт бўлган усул-амаллар бажариладн. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Хулоса

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кучли бюджет бошқарувини ва ғазначилик тизимини самарали ташкил этишда хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ва уларнинг маъқулларини жорий этиш бюджет ислохотларининг муҳим бўлаги ҳисобланади.

Бюджетнинг ғазна ижроси шароитида давлат бюджети даромадлари ижроси жараёнида қатор муаммоларни юзага келтирмоқда. Бу муаммолар қуйидагилардан иборат:

- давлат бюджети даромадлари ижроси бўйича молия, солиқ ва банк қонунчилигининг ғазначилик тизими шароитидан келиб чиққан ҳолда мукаммал шаклланмаганлиги;

- ҳудудий ғазначилик органларида маҳаллий бюджетга келиб тушаётган солиқлар ва йиғимларни ғазначилик дастурларида акс эттирмаслик ёки нотўғри акс эттириш оқибатида молия, ҳудудий ғазначилик, солиқ ва банк ҳисоботлари орасида тафовутлар мавжудлиги;

- тижорат банклари томонидан “Республика бюджети маблағлари” ҳисобрақамига қирим қилинаётган умумдавлат солиқлари ва даромадларини қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар асосида ажратмалар республика бюджети (“Республика бюджети маблағлари” асосий ҳисобварағи)га ва маҳаллий бюджетлар (“Ҳудудий ғазна ҳисобварақлари”)га тақсимланишининг кечикиш ҳолатлари ва белгиланган нисбатларда тақсимланиши устидан назорат сустлиги;

- давлат бюджетига келиб тушаётган маблағларнинг ҳақиқатда тўғри ёки нотўғри келиб тушганлигини тасдиқлаш ва таққослаш фақатгина ҳар ойнинг якунига кўра банклар томонидан тақдим этилаётган ҳисоботларга таянган ҳолда амалга оширилаётганлиги;

- ҳудудий ғазначилик органларида бюджет маблағларини ғазначилик дастурида тўғри ҳисобга олувчи кадрларга эҳтиёж сезилаётганлиги.

Юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- давлат бюджетидан маблағ олувчиларнинг тўлиқ ғазна ижроси билан камраб олинишини таъминлаш;

- “Республика бюджет маблағлари” асосий ҳисобварағи ва “Республика ғазна ҳисобварағи”ни бирлаштириш;

- тижорат банкларида “Республика бюджет маблағлари” транзит ҳисобрақамларини ёпиш ва уларга кирим қилинаётган умумдавлат солиқлари ва даромадларини “Худудий ғазна ҳисобварақлари”га кирим қилишни ташкил этиш орқали уларни қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар асосида жойлардаги ғазначилик органлари томонидан аниқ ва тезкор тақсимланишига эришиш ва назоратини олиб бориш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Адолат, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонуни. \Халқ сўзи. 2000. 14 январ.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Қонуни. \Халқ сўзи. 2004. 29 октябр.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1994. 20-бет.
6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ 21-сон.
7. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005
8. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011.-48-б.
9. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 463-б.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 101-б.
11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997. 179- б.
12. Абрамова А. М., Александрова Л. С. Финансы, денежное обращение и кредит: Учебное пособие. - М.: 1999.- 335с.

13. Акпаров И.Г. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. – М.: Финансы и статистика, 2002.
14. Ананенко С.А. Повышение эффективности бюджетных расходов с помощью аналитических возможностей БОР // Финансы, № 11, 2006.
15. Ананенко С.А. Повышение эффективности бюджетных расходов с помощью системы сбалансированных целевых показателей // Финансы, № 9, 2004.
16. Бородин А.Н. О результативности расходования бюджетных средств // № 9, 2005.
17. Вахобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, 2009
18. Вахобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: Iqtisod-moliya, 2008. -287б.
19. Вахобов А., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод ва молия, 2005.
20. Гусев С.И., Швецов Ю.Г. О роли федерального казначейства в финансовой системе государства // Финансы № 11, 2004,
21. Дроздов О.И. Оценка зрелости казначейской системы // Финансы, № 2, 2007.
22. Дубинина И.В. Реформирование бюджетной классификации РФ // Финансы, № 12, 2004.
23. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: Фан, 2004. – 243 б.
24. Зueva И.А. Пути внедрения государственного аудита // Финансы, № 5, 2005.
25. К вопросу о сущности казначейского исполнения бюджетов // Финансы, № 11, 2006
26. Қосимова Г. Ғазначилик фаолиятини ташкил этиш. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия. 2005.
27. Қосимова Г.А. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. 372 бет.

- 28.Қосимова Г.А. Маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижросини таъминлаш. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технологиялар, 2007. 396 б.
- 29.Костюченко В.Ф. Пути реализации реформы местного самоуправления казначейскими органами //Финансы, № 9, 2005.
- 30.Крохина Ю.А. Конституционные основы казначейской системы исполнения бюджетов субъектов РФ //Финансы, № 11, 2006.
- 31.Кучкарова Т.С., Теребиленко Б.Н. Выбор казначейской системы исполнения бюджета в странах СНГ //Финансы, № 9, 2005.
- 32.Лаврова А.М. Бюджетная реформа 2001-2008 гг.: от управления затратами к управлению результатами.
- 33.Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011. – 472 б.
- 34.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: Молия, 2009.
- 35.Нестеренко Т.Г. О развитии федерального казначейства //Финансы, № 12, 2005.
- 36.Нестеренко Т.Г. Федеральное казначейство на новом этапе //Финансы, № 4, 2005.
- 37.Никитина Т.Р. Применение ответственности за нецелевое использование бюджетных средств // Финансы, № 11, 2005.
- 38.Остонакулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби (2008 йил 1 январдан киритилган ўзгаришлар) . – Т.: Iqtisod-moliya, 2008.
- 39.Пансков В.Г. Аудит эффективности расходования государственных средств //Финансы, № 5, 2006.
- 40.Пахомов С.Б. Секьюритизация доходов бюджета территориального образования и облигационные займы: опыт Нью-Йорка //Финансы, № 12, 2006.
- 41.Принципы организации казначейского исполнения государственного бюджета Республики Узбекистан. - Т.: Мир экономики и права, 2005. – 318 с.

42. Сабитова Н.М. Некоторые вопросы реформирования бюджетного процесса в РФ // Финансы, № 7, 2005.
43. Тимирханова Л.Р. Новый порядок финансирования расходов федерального бюджета // Финансы, № 7, 2005.
44. Цыденмункуева Т.Ч. Доходы бюджетных учреждений от предпринимательской и иной деятельности // Финансы, № 12, 2006.
45. Чичелёв М.Е. О дальнейшем совершенствовании бюджетного процесса // Финансы, № 2, 2006.
46. Шахова Г.Я., Боженко И.П. Государственные расходы и социально-экономическое развитие // Финансы, № 8, 2005.
47. Журнал ва газеталар: - Бозор, пул ва кредит 2000-2011 йиллар ва 2012 йил 1-4 сонллари; - Ўзбекистон иқтисодий аҳборотномаси 2000-2011 йиллар ва 2012 йил 1-4 сонллари; - Солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби 2006-2011 йиллар ва 2012 йил 1-4 сонллари; - Солиқ ва божхона хабарлари 2000-2011 йиллар ва 2012 йил 1-4 сонллари.
48. Интернет сайтлари:
- http: // www.minfin.ru
- http: // www.mf.uz
- http: // www.budget.ru
- http: // www.df.ru
- http: // www.nalog.ru
- http: // www.finansy.ru
- http: // www.finance.rambler.ru